

Ватан, Ватан дер эдилар, на дер эдим билмай ани
Энди билсам Ватан эркон бу танларнинг ширин жони,
Бир жон эмас, эй суйгули томирларнинг қони Ватан,
Сенсан, бале билганлара жонларни жонони Ватан!

Ҳамза Ҳакимзода НИЁЗИЙ

Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

2000 йил,
16 - 22 август, № 32 (148)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ СУД ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Суд тизимининг демократик асосларини ислоҳ қилиш ва янада чуқурлаштириш, суд ишларининг адолатли ва ўз вақтида қўриб чиқишнинг таъминлаш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш ҳамда судларнинг ихтисослаштирувини амалга ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига асосан:

1. Умумий юрисдикция судларининг тизимини ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тизимини ҳамда штат бирлигининг сони тасдиқлансин.

2. 2001 йилнинг 1 январидан мавжуд умумий юрисдикция судлари негизда:

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари ташкил қилинсин ҳамда уларнинг тизилиши ва штат бирликларининг сони тасдиқлансин;

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) жиноят ишлари бўйича судлари ташкил қилинсин ҳамда уларнинг тизилиши ва штат бирликларининг сони тасдиқлансин.

3. Қўйидагилар белгилаб қўйилсин:

Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича судлари - суд раиси, раис ўринбосари, судьялардан иборат бўлиб, ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация ва назорат тартибидеда қўриб чиқади; туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судлари - суд раиси ва судьялардан иборат бўлиб, қонун билан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган фуқаролик ишларини қўриб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича судлари - суд раиси, раис ўринбосари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлиб, ўз

ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация ва назорат тартибидеда қўриб чиқади;

туман /шаҳар/ жиноят ишлари бўйича судлари - суд раиси, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлиб, қонун билан уларнинг ваколатига тааллуқли бўлган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўриб чиқади.

4. Фуқаролик ишлари бўйича судларга Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига кўзда тутилган барча ишлар тааллуқлидир.

Жиноят ишлари бўйича судларга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига кўзда тутилган барча ишлар ҳамда амалдаги қонун бўйича судларнинг иш қирғувига ўтказилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг, шунингдек, ҳарбий судларнинг фаолияти устидан суд назоратини амалга оширади.

6. Белгилаб қўйилсинки, умумий юрисдикция судларининг судьяларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тай-

инлаш /сайлаш/ қонунда ўрнатилган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddат ичида судларни молиявий ва моддий-техникавий жиҳатдан таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда бир ой мuddатда:

амалдаги қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисида; судларни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш ҳақида тақлифлар киритсин.

9. Маъмур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ҳ.Комилов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 14 август.

Огоҳ бўлайлик, юртдошлар!

ОНА ЮРТИМ — ОЛТИН БЕШИГИМ

Юртимиз сарҳадларига бостириб қирган бир ховуч жиноятчи тўдалар тор-мор қилинди. Баланд тоғ ва дараларнинг пучмоқларига аскарларимиз томонидан қўздан кечирилиб, дайди итдек жон сакламакчи бўлган сотқинларнинг қолдиқларидан тозаланмоқда. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси идоралари томонидан қора ният билан мамлакатимиз чегарасини бузиб ўтган, Сариосиё ва Узун туманининг бир қатор қишлоқларида яшовчи фуқароларимизнинг тинчлигини бузган нобокор кимсалар устидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов-суриштирув ишлари олиб борилаётган. Тез орада қайси тумандан, қайси қишлоқдан ва кимнинг оиласидан чиқиб, яна ўз юртига қурол билан, қўли қон касби одамқушлик бўлган қашқирларни бошлаб келган бу кимсаларнинг шахси аниқланади ва маълум қилинади. Ҳозирча биз уларни ўз номи билан — сотқинлар деб атаймиз.

Ўқ-ажал уларни қора қилмишига яраша топиб етди. Лекин туз тутган, эл нафратига учраганларнинг охирати ҳам қуйиб кетади, дейдилар-ку!

Оллоҳ одил. Оллоҳ ҳамма нарсани қўриб, билиб туради ва ҳар кимни қилмишига яраша жазога мустаҳкам этади. Бироқ сотқин фарзанд тукдан она! Сотқин ўғил устирган ога! Сотқиннинг акаси, укаси, опаси, синглиси, қариндоши, ё-биродари бўлишдан Оллоҳнинг ўзи асрасин!

Шу кунларда оёққа қалқиган эл нафрати, етти ёшдан етмиш ёшгача, менга қурол беринг, мустақиллигимизга даҳл қилган ёвга қарши курашга қираман, деб шайланган қудратли тўлқин-бутун дуненинг кўзини очиб қўйди. Чегарадан қора тортиб ўтсак бас, бизни «қўлайдиганлар» бор, деган ватанфуршларнинг барча умидлари чиппакака чиқди. Халқимиз ўз Президенти теварагида яқдил бўлиб, ҳар қандай душманга бас келажагини баралла айтмоқда. Юрт мустақиллиги ва озодлигини ҳеч кимга бермаёяғидан дунени оғоҳ этмоқда. Баланд ва қўрқам иморатлар, замонавий қорхоналар қураётганимизни, бугдой ва пахта ўстираётганимизни, кундан-кунга барқ уриб янаётган боғларимизни қўрқолмайдиган кимсалар лаб тишлаб қолдилар.

Ана шундай ютқуларимизни қўрқолмайдиганларнинг фикрини ифодалаб, Москвада чиқадиган «Ком-

сомолская правда» газетаси ўзининг июль ойидаги сонларидан бирида ёлгон тарқатган эди: эмишким, Ўзбекистон толибонлар билан гиж-гиж тўлиб-тошган бир бомба. Бу бомба бугун-эрта портлаёжак. Шу боисдан ўз хавфсизлиги учун қайгураётган қўшни давлатлар зудлик билан чегараларини мустаҳкамламоқда.

Бугун баралла, тўла исботи билан айта оламиз: бу мақола худо безори кимсалар очбўридек юртимиз томон писиб келаётган бир пайтда эълон қилинди ва сотқинлар учун бир сигнал, ишора ролини ўташи керак эди. Аммо ғанимларимиз чучуварани хом санаган эдилар. Мустақил Ўзбекистон мудофааси учун сафарбар этилган аскарларимиз душманининг ҳар қандай хуружига қарши ўн, юз баробар куч билан зарба беришга қодир эканлигини амалда исботладилар.

Ватан хоини, халқаро терроризмнинг ювиндиҳури Тоҳир Йўлдошев хориж радиосига чиқиб олиб, уялмай-нетмай, биз Тожикистондаги муҳолифат жангарилари сафида, Чеченистонда уруш илмини ўрганганимиз, деб мактангани билан бир нарсани хом ўйлаган эди: Ватанидан оёғи узилган, ўз халқи олдида юзи қора бўлган кимсанинг аҳволи ердан оёғи узилган кимсанинг аҳволи билан бир хил бўлади.

(Давоми 2-бетда)



Келажакка нигоҳ

«ХУҚУҚ»

юридик газета

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари,
«Конун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:

А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Мэлс Наимов,
Комилжон Исмоилов,
Ботир Пулатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Дилшод Исмолов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи — 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яхё Ғуломов
кўчаси, 66-уй.
Телефонлар: 77-72-25,
133-82-34

Таҳририятга келган кўлзма
ва суратлар эгаларига
қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан
фарқланиши мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.
Нашримиздан кўчириб
босилганда «Хуқуқ»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси
осида чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят
компьютер марказида
Pentium-II MMX - 333
компьютерда саҳифаланди.

«Хуқуқ» оригинал-макети

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г - 752
Нусхаси — 13971

Босмахонага топшириш
вақти 20.00
Босмахонага
топширидан 19.00

Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади

Набатчи муҳаррир:
Ж.ШАРОФБОВ
Набатчи: Н.МАХМУДОВ

Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

Огоҳ бўлайлик, юртдошлар!

ОНА ЮРТИМ —
ОЛТИН БЕШИГИМ

(Бошланғичи I-бетда)

Заминдан, юртдан мосуво бўлиб, муаллақ қолган киши боши билан ҳам, бети билан ҳам, кети билан ҳам ҳар нарсасига урилади. Сотқин Тоҳир Йўлдошев ва уларнинг ҳамтовоқлари ҳозир шу муаллақ одам аҳолига тушиб қолишган. Уларга сўяқ ташлаб турганлар энди дайди ит куйига тушган ўша ватанфуршуларни ўз мақомига уйнатмоқда. Бироқ ҳаёт сабоқларидан яхши маълумки, дайди ит қашқирлар тўдасидан паноҳ тополмайди, чиябўрилар орасидан қувилди. Тулкилар сағига ҳам қўшилмай, қайси бир пучмоқда хор-зор ўлиб кетади. Итга ит ўлими, деган гап шундан қолган.

Ҳозирча улар жон талвасида ўзини ҳар ён ураётган экан, биз ҳам хушёр турмоғимиз даркор. Шунинг учун диндор никоҳида қорнига соқол осилтириб, худди чет эл фильмларидаги жангари мисол узун сочларини хотинчалиш турмақлаб олган бу жиноятчиларнинг асл башарасини билиб, тушуниб олоқ керак.

Авалло уларга бошпана берган, биродарқушлик илмини ўргатган Афғонистон ҳақида. Йигирма йилдириқ, бу бечора мамлакатда жангу жадал давом этмоқда. Ҳатто ўзини ҳақиқий исломий деб эълон қилган толибонлар ҳам ўзаро ички урушни тўхта олмади. Чунки йигирма йил давомида Афғон тупроғида касби уруш бўлган, қўлидан фақат одам ўлдириш келадиган бир авлод етишиб чиқди. Бу авлод бугдўй экишни билмайди, бог барпо этишнинг савобини тан олмайди. Ким кўпроқ пул берса, шу томонда туриб жангга кириб кетаверади. Шунинг учун ҳам улар урушнинг қўзилишидан манфаатдор.

Иккинчидан, халқроқ экспертларнинг ҳисоб-китобига кўра, собиқ СССР қўшинлари Афғонистонга бостириб кирганда уларга қарши дунёнинг ўттизта мамлакатидан 45 мингта ёлланма аскар жанг қилган экан. Ким ҳақ тўласа, шунинг томонидан туриб уришадиган бу «наёмник»ларнинг қанчаси ўлган, қанчаси уйига қайтган, қолган қанчаси «қарилқаштани суғмоқда», қанчаси қаерда ким тарафда туриб урушмоқда, деган савол ҳали-ҳануз дунёдаги тинчликсевар афкор оммининг бошини қотириб келади.

Энг даҳшатли киргизибот келтирувчи қуроллари билан мактабидан ва қурол-яроқ савдосидан мўмай капитал ишлайдиган давлатлар ҳам урушларнинг қўзилиши ва янги уруш ўққларининг лавуллиши учун тутан-тирик ташлаб туришади. Чунки шундай қилса, қурол бозорида савдо-сотик гўллайди.

Ватанфурш жиноятчиларнинг ёвуз ниятлари учун айнан август ойини танлаганларидан ҳам галати мантэк бор. Бу даврда Афғон нашазорлари ва кўкорзорларидан ҳар йилгидек мўл ҳосил йиғиштириб олинади ва энди уларни ғарбдаги харидорларига етказиб бермоқ учун йўл керак бўлади. Жиноятчиларнинг Сурхондарё тоғларидаги бу талваси наркотик йўлак очига уриши, уларни боққан, кийинтирган, бошпана берган ҳўжайинларига биродарқушлик уруши билан «хизмат қилишдан бошқа нарсаси эмас. Ўзини сийсий қочоқ деб, мўхлифат деб, эълон қилган кимса борки, «бот-бот чет эл оммавий ахборот воситалари орқали ғирт тўхматдан иборат чиқишларини қилиб турмаси, ўз ватани ва халқига қарши уруш ва қўпуровчиликларга аралашмаса, ҳўжалари уларнинг бошини силамайди. Сотқинларнинг ашвоқчанлигини таъминловчи ёзилмаган қонун шундай асосга қўрилаган.

Сотқинлик, ватанфуршлик кўчасига кириб, яна ўз юртига, халқига қарши қурол кўтариб кирган, ўз қишлоғи, мактаби, оиласи шашини бўлган, мўқаддас Ўзбекистон тупроғини бегона, юртининг, миллатининг тайини йўқ қалласарларга топтатиб қўймоқчи бўлган маълўнларни аллақачон ер ютиши керак эмасми?! Уларнинг алдовига учган, арзон чойчақа эвазига ялоқўрлик қилаётган тақасалтган қал савод муллава-чалар ва варақчилар-чи?! Неге улар билан кирган уйга кириб чиқиси, биз ўтган кўчадан ўтиши, бизнинг тинчликларвар маҳалламизда бош кўтариб юриши керак?!

23 ёшда жувонмард бўлган, Ўзбекистон мустақиллигини мардларча ҳимоя қилиб жон фидо этган янгирлик катта лейтенант Алишер Салимовнинг етмиш беш ёшли бувижониси қотилларни зор қашаб қаргаганини ҳаммамиз телевизор орқали кўрдик. Пайшанба кўрғонидан Сайёр Саъдийов, маргилонлик Бобуржон Ғаниев, бўлунғорлик Маъруфжон Ражабов, каттакўрғонлик Улугбек Барноевдек мард ўғулларни ўстирган хонадонларда, маҳаллаларда ва мактабларда ҳам оғир жудолук неча дилларни қайғуга солди. Бу баҳодир аскарларимизнинг савдошлари шахид қурлодош дўстлари учун душмандан ўч олишга қасамёд қилганликларига ҳаммамиз тўвух бўлдик.

Халқ ўчи, халқ нафрати оёққа қалқиса, унга ҳеч қандай кўч бас келомаслигини душманлар Сурхондарё тоғлари бағрида яна бир бор хис этдилар.

Ватан ҳимоясида турган ҳар икки ўғлонидан бириси Темурбек, Улугбек, Алишербек ва Бобур бўлган мамлакатга қурол билан бостириб кирган ҳар қандай душманга қарши бундан кейин ҳам арслон зарбаси билан жавоб берилади.

А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Маълумки, шу йил 30 августда иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Сессия муҳокамасига «Бюджет тизими тўғрисида»-ги, «Конун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»-ги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»-ги ва бошқа бир қатор қонун лойиҳаларини киритиш кўзда тутилган. «Судлар тўғрисида»-ги қонун лойиҳасининг депутатлар муҳокамасига ҳавола этилаётгани ҳам хавоси эмас. Чунки Президентимиз Исрол Каримовнинг Олий Мажлисининг кейинги бир қатор сессияларида шу масала юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари, таклифлари асосида суд-ҳуқуқ ислохотларини давом эттиришни, бу соҳадаги қонунларни янада такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.



Бахтиёр ЖАМОЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди
Раисининг ўринбосари

СУДДА

қадар жўн ва асоссиз эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Апелляциянинг кассациядан афзалликлари ва унинг одил судлов самардорлигига ижобий таъсири хусусида мулоҳаза юритишда аввал, кассация босқичининг табиатига назар ташлаш керак. Кассация (юнонча - cassatio)нинг луғавий маъноси бекор қилиш, барбод қилишни англатади. Демакки, суд қарорларининг қонунийлиги кассация тартибиде текшириладиган бўлса кассация сўзининг луғавий маъносидан ҳамда асл моҳиятидан келиб чиқиб, улар бекор қилиниши ва иш янгитдан биринчи босқич судида мазмунан ҳал этилиши лозим бўлади. Бу эса ишнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш ва қонунчиликни қўллаш бўйича суд томонидан йўл қўйилган арзимас хатолик учун, масалан, айбдорнинг жиноий қилмиши ўз тасдиғини топган ва тўғри ҳуқуқий баҳоланган, бироқ унга бироз енгилроқ жазо тайинланган деган хулосага келинган тақдирда, ҳукм бекор қилиниши оқибатида, ишнинг судларда ўринсиз равишда бир неча бор қўрилиши билан боғлиқ сансалорликни келтириб чиқаради.

Кассация тартиби ўз табиатига кўра судда тортишув тамойилининг қарор топишга тўғанок бўлади. Чунки, агарда, суд ҳукми судланганнинг айбдорлигини тасдиқловчи далиллар етарли эмаслиги учун бекор қилинадиган бўлса, ишботлаш мажбурияти судда тортишувчи томонлар бўлиши айбловчи ва ҳимоячининг эмас, балки суднинг гарданига юкланади. Апелляцияда эса томонлар тортишувчи асосан суд қарорининг қонуний, асосли ва адолатлилиги хусусида бориб, бунини исботловчи ҳужжатлар уларнинг апелляция босқичига тақдим этиладиган меморандумларида баён этилиши талаб қилинади. Уларнинг қанчалик

мудофаа кўчларининг доврақ асқарларига оллоҳдан узоқ умр, сиҳат-саломатлик, турли балолардан саклашни тилаяптилар.

20000 гектардан кўпроқ ерда деҳқончилик қиламиз.

ХАЛҚ СЎЗИ — ҲАҚ СЎЗ

БИЗ БАРИБИР ҒОЛИБ ЧИҚАМИЗ

Йўлдош КАМОЛОВ,
«Нуроний» жағгармаси
Беруний тумани бўлими раиси:

Ватанимиз тупроғига бир неча кун аввал бир гуруҳ террорчиларнинг ўтганини телевидение орқали кўриб, газетдада ўқиб нафратимиз янада ошди. Бундай қабих иш ташқиотчилари, ижрочилига етти яшардан етмиш яшаргача бўлган халқимиз ланъат айтиб, қарғаяптилар. Президентимизга, давлатимиз

Туманимиз катта. 150 минг нафардан ортиқ турли миллатга мансуб аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 13500 нафари қариялар, 250 нафари уруш қатнашчилари ва ноғиронлардир. Туманимизда мактаблар, касалхоналар, бошқадар катта-кичик корхоналар ишлаб турибди.

Ҳеч қандай ваҳимага, қўрқувга ўрин йўқ. Чунки ҳар ким қазиган чоғига ўзи йиқилади. Шундай экан, бизнинг ҳар қандай ғанимни енгишимиз аниқ.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

асослиги апелляция тартибиде баҳоланиб, суд ҳукми тасдиқланади ёки ўзгартирилади.

Бизнинг одил судловдаги иккинчи босқич суди - кассация босқичидан фарқи ўлароқ апелляция судлари биринчи босқич судларининг чиқарган қонуний қўғи қирган қарор ва ҳукмларини қучида қолдириши ёки бекор қилиб, янги қарор ва ҳукм чиқариши мумкин. Апелляция судлари ишнинг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш мақсадида гувоҳ, эксперт ва ишда иштирок этган бошқа процесс иштирокчиларини қақбириб сўроқ қилиш ваколатига эга. Шунинг натижасида жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш, янгидан бошқа таркибдаги судда қўриш учун қайтариш, фуқаролик ишларини янги таркибдаги судда қўриш учун қайтариш каби одатда сансалорликка олиб келувчи институтлар апелляция судлари мавжуд бўлган

батан жиноят ишлари қўшимча терговга қайтарилган. Ушбу ҳолатда апелляция судлари ваколатидан фойдаланган ҳолда ишларни қўшимча терговга қайтармасдан иккинчи босқич судларида ишларни ҳал қилиб бўладими? Бизнинг фикримизча, шундай қилиб бўлади. Одатда жиноят ишларини судда қўришда судланувчининг дастлабки тергов давомида эълон қилинган айб эпизодларидан ташқари бошқа жиноятларни содир этганлиги аниқланиб қолганда ёки унга оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги туфайли иш қайтарилди. Мана шундай ҳолатларда ишда қатнашувчи прокурорга янги ҳолат бўйича қўшимча айблов билан судда қатнашишга маълум бир муддат, масалан, 7 кунлик муддат берилсаю, 7 кундан кейин иккинчи босқич суди ишни янги айблов билан қўриб қўриб янги ҳукм чиқариши мумкин

Бизнинг фикримизча, жиноят судловида апелляция босқичини ташкил қилишнинг икки варианты бўлиши мумкин. Биринчиси, кассация босқичини сақлаб қолган ҳолда алоҳида апелляция босқичининг вилоят ва унга тенглаштирилган судларда ва Республика Олий судда жорий қилиш ва иккинчи вариант кассация босқичининг ваколатларини апелляцияга берилган ваколатлар ҳисобига тўлдириб кассация босқичини сақлаб қолишдан иборат.

Ҳозирги пайтда илгари собиқ иттифок таркибиде бўлган бир қанча ҳамдустлик давлатларининг жиноят процессуал қонунчилигида апелляция институти киритилган ва амалиётда судлар ана шу нормалардан фойдаланган ҳолда жиноят ва фуқаролик ишларини қўришда. Чунончи, ён қўшилариимиз Қозогистон Республикасининг 1998 йил-

АПЕЛЛЯЦИЯ ТАРТИБИ

давлатларда умуман йўқ. Ҳўш, апелляция босқичи Ўзбекистонда жорий қилинса одил судловда қандай ижобий ўзгаришлар юзага келиши мумкин?

Буни биз 1999 йилда судларда қўрилиб, суд ҳукмлари бекор қилинган маълумотлар таҳлилида қараб чиқишимиз мумкин. Утган йили республика бўйича 1464 шахсга нисбатан суд ҳукмлари кассация ва назорат босқичлари томонидан бекор қилиниб жиноят ишлари қўшимча тергов қилиш учун ва судда қайтадан қўриш учун қайтарилган. Агарда судловимизда апелляция судлари ваколатлари мавжуд бўлса мана шунча суд ҳукмлари бекор қилинмаслиги мумкин. Ушбу 1464 шахсга нисбатан ҳукмларнинг 300 га яқини жазонинг энгиллиги учун бекор қилинган бўлиб, қайтадан судда қўриш учун юборилган. ЖПКнинг 495-моддасига мувофиқ жиноят ишнинг кассация ёки назорат тартибиде қўриб чиққан суднинг иш ҳолатлари тўла-тўқис ва ҳар томонлама текширилишини таъминлашга, шунингдек жиноят Кодекси ҳамда ЖПК нормалари бузилишларини бартараф қилишга қаратилган қўрсатмаларга ишни янгидан судда қўриш чоғида амал қилиш мажбурийдир деб қўрсатилган, яъни қоний суд босқичининг иш юзасидан барча қўрсатмалари қўйи судлар учун мажбурийдир.

Жазонинг энгиллиги учун ёки оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги туфайли ҳукм бекор қилинганда ЖПКнинг 414-моддасига мувофиқ суд муҳофазаси судланувчининг умуман айбдор-айбдор эмаслиги масаласига дахл қилмаган ҳолда жиноятни тасвирлаш ва жазо чораси хусусидагина боради. Бас, шундай экан, жазонинг энгиллиги учун бузилган суд ҳукмлари қайтадан қўришда барча ҳолатларда юқори инстанция суди қўрсатмасига мувофиқ оғирроқ жазо бериш билан яқунланади. Бунда эса жиноят ишнинг бошқа суд таркибига жўнатиш, судланувчининг этап қилиш, қайтадан ишни қўриб чиқиш, жабрланувчи, ҳимоячи, прокурорни судда жалб қилиш каби ортиқча моддий ва маънавий овозгарчиликка йўл қўйилади. Агарда иккинчи босқич суди ишни қўриш жараёнида жазони энгил деб топан тақдирда судланувчининг қилимишга яраша жазо белгилаб қўйилганда юқорида қайд этилган овозгарчиликларнинг олди олинган бўлар эди.

1999 йилда бекор қилинган суд ҳукмларидан 365 нафар шахсга нис-

бўлади. Худди мана шу қоидадан биринчи босқич судларида қўрилатган жиноят ишлари бўйича ҳам тадбиқ шўш мумкин.

Бу эса юқорида айтганимиздек, жиноят ишни қўшимча терговга қайтариш институти бекор қилади, одил судловнинг адолатли бўлиши ва оқлов ҳукмларининг қўлайлишига олиб келади. Чунки, сир эмаски, қўшимча терговга қайтарилган ишларнинг маълум бир қисми судга қайтиб қўқмайди. Айна ана шу судга қайтиб келмаган ишлар одатда оқлов ҳукми чиқарилиши лозим бўлган ишлар бўлади. Зероки айбдорлигининг етарли далиллар билан исботланмаганлиги сабабли ҳукми бекор қилиб қўшимча терговга юбориш бу ўз моҳиятига қўра ана шундай айблов учун етарли бўлмаган далилларни излаб топишга даъват бўлиб қўқоболанади.

Судда айблов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлаш таъминли ҳам апелляция тартибини тақозо этади. Бинобарин, мағлуб томон апелляция босқичига мурожаат этишда айнан ўз имкониятларини ўзи идрок этаётган пировард натижага ўзи қамалаб иш тутишига мажбур бўлади. Апелляция тартиби одил судловнинг инсонпарварлик таъминлига қўпроқ мос келади. Шахсининг эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари бирламчилиги нуктаи назаридан суд қарорининг асослигига баҳо бериш зарурияти учун айбдорлиги масаласини судда қайта-қайта қўриб ҳал этилишини истисно қилади. Ҳолбуки, судда иш қўрилатган шахсининг айбдорлигини суд эмас, балки айбловчи исботлаши шарт.

Шу ўринда яна бир нарсани қайд этиш керакики, апелляцияни жорий қилиш ҳисобига ортиқча овозгарчиликларнинг туғатилиши натижасида фуқароларнинг ҳимоята юз бераётган салбий ҳолатларга нисбатан фаоллиги ошади. Ҳозирги пайтда бирон бир иш бўйича гувоҳ бўлиб ўтган фуқаронинг ҳолатини қўз олдингизга келтиринг. Қайта-қайта тергов ва судга қатнаш оқибатида фуқаролар қўрган нарсаларини қўрмасликка олиб содир этилаётган жиноятни қўриб қолса ҳам тескари қараб кетиш ҳоллари қўқлаб учрайди. Ишларни қайта-қайта тергов ва судга юборилиши судланувчиларнинг таъсири остида гувоҳ ва жабрланувчиларнинг қўрғазмаларини тез-тез ўзгаришига сабаб бўлади. Иккинчи босқич судларида апелляция ваколатларини бериш пировард натижада бундай салбий ҳолатларга ҳам барҳам беради.

нинг 1 январидан амалда бўлган ЖПК ва 1999 йилнинг 24 майидан амалда бўлган Қирғизистон Республикаси ЖПКга апелляция институти киритилган. Қозогистонда апелляция босқичи алоҳида босқич таркибиде, Қирғизистонда кассация босқичига апелляция ваколатларини бериб апелляция босқичи сифатида қолдирилган.

Ушбу масала бир мунча мунозарали бўлиб, қайси вариантда апелляцияни киритишни амалиётчи ва ҳуқуқшунос олимлар иштирокида чуқур мулоҳаза қилиш керак. Дастлабки мулоҳазаларга қўра ҳар ҳолда апелляция ваколатларини кассация босқичига бериб кассация босқичини сақлаб қолиш мақсадага мувофиққа ўқшаб қўринади, чунки судлов тизимида янги босқичларни киритиб мураккаблаштириш ўрнига, фуқаролар учун маъқул бўлган ишларни тез ва адолатли ҳал бўлиши йўлини тутиш мақсадага мувофиқ, Ушбу иккинчи босқичнинг номини эса апелляция деб юритилса босқичнинг мазмун ва моҳиятига тўғри келади.

Кассация босқичи ваколатларини кенгайтириш ҳисобига апелляцияни жорий қилиш маълум маънода қисман амалиётчиликка қўқлабилмоқда. Буни биз жиноят судловида юқорида айтганимиздек, кассация инстанциясига ўта ҳавфли рецедивист деб эътироф этиш, қолонияни жиддийроқ тури билан алмаштириш, жиноят оқибатида етказилган зарар микдорини қўқайтиришга қўқамиз.

Фуқаролик процессуал қонунчилигимизда эса апелляция элементлари бундан ҳам кенгроқ қўқланилмоқда. Амалда бўлган ФПКнинг 343-моддасига мувофиқ кассация босқичининг ваколатлари жумласига суд ишнинг кассация тартибиде қўриб чиққан, ишни янгидан қўриш учун юбормасдан ҳал қилув қарорини ўзгариштиришга ёки бутунлай ёқуд қисман бекор қилишга ва янги ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақчилиги киритилган. Амалиётда мана шу нормани қўллаш асосида қўқлаб фуқаролар ўртасидаги низолар иккинчи босқич судида янги ҳал қилув қарори қабул қилиш билан ўзининг қонуний ечимини топмоқда.

Бизнингча, республикамиз судлов амалиётига апелляция тартибини киритиш, дастлаб бу суднинг фаолият қўқратиши учун ҳуқуқий майдон саналмиш қонунчилик асосларини яратиш инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини тўлароқ таъминлашга хизмат қилади.

ПРОКУРОР ДАВЛАДАН ҚАЙТАДИ



МАЪМУРИЙ БУЙРУҚБОЗОЛИККА ЖИДДИЙ ЗАРБА

Қонунчиликни мустақкамлаш, жиноятчиликнинг ҳар қандай қўринишига қарши муроғасиз курашиш ва унинг олдини олиш прокуратура доғраларининг муқаддас буричи ҳисобланади. Бурч масъулияти эса прокуратура ходимларининг ҳам халқ ичига кириб боришини тақозо этади. Фуқароларнинг ақсарияти (айниқса қишлоқ жойларда) ҳали ўз қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини мустақил ҳимоя қилишга ўрганмаган, уларда даъвогарлик ҳисси энгилгина шаклланиб келаятган бир шароитда бундай саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда пахтазору ғаллазорларда, ўқув юртлари ва мактабларда, маҳалаларда одамлар орасида прокурорларни учратасан ўнчалик ажабланмаймиз. Буни оддий ҳол каби қабул қиламиз. Вилоятларда ғалла ўрим-йиғими мавсумида ўқлаб прокуратура ходимлари ғалла бўйича ишчи гуруҳи сафларида далаларга сафарбар этилди. Наманган вилояти бўйича республика ғалла ишчи гуруҳининг раҳбари, адлия катта маслаҳатчиси Н.Бобоев бу ҳақда муҳбири-мизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Наманган вилояти ғаллакорлари шартнома асосида давлатга дон сотиш режасини бажариш билан бирга келгуси йил ҳосили учун етарли уруғлик захирасини ҳам жамғариб қўқдилар. Режанинг қарийб 10 фоизи фермер ҳўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Гарчи, бу рақам ўнчалик салмоқли бўлмаса-да, вилоятда фермерлик ҳаракати кен қулоч ёйганлигидан дарак беради. Агар аҳволга реал баҳо берадиган бўлсак, фермер ҳўжаликларининг умумҳирумондаги улушини анада қўқайтириш имкониятлари қўқлигини қўқамиз. Бу имкониятларни юзага чиқаришга тўғанок бўлаётган сунъий тўқсинликлар ҳам мавжуд. Маълумотлардан қўриниб турибдики, вилоят туманларидаги бир қанча фермер ҳўжаликларида ҳосилдорлик паст даражада қўқиб кетган. Масаланинг бу томонини таҳлил этишни шу соҳа мутахассисларига қолдирсак-да, ишчи гуруҳимиз ўз йўналишида олиб борган иш натижаларига тўқталсак.

Ўрим-йиғим даврида донни ўғирлаш, талон-тарож қилиш каби салбий ҳолатлар фўш этилган ҳақида қўш ёзилди. Бу ўринда эътиборингизни бошқа бир муҳим жиҳатга қаратмоқчиман.

Ўтган йиллар тажрибасидан маълумки, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари эски тизимдан қолган иллат-маъмурий буйруқбозликдан қўпроқ азият чекдилар. Ишчи гуруҳи ўз фаолияти давомида бу муаммонни қонун доирасида адолатли ҳал этиш, фермерларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун катта куч-ғайрат сарфлади.

Биз томонлар ўртасида тузилган контрактация шартномаси талабларини сўғисиз бажариш шартлигини мунтазам равишда тушунтириб бордик.

Бу мавзуда фермер ҳўжаликлари раҳбарлари билан қўқлаб учрашувлар, сўқбатлар уюштирилди. Аммо шунга қарамай фермерларнинг мустақиллигига ҳалал берувчи туман ҳокимларининг ғайриқонуний фармойишлари ҳам чиқиб қолди.

Вилоят бўйича иш олиб бораётган фермер ҳўжаликлари жами 20963 тонна донни контрактация шартномалари асосида давлат қабул пунктларига топширган, ҳосилининг қолган қисмини фермер ҳўжалиги ва унинг аъзолари эҳтиёжи учун қолдириш белгилаб қўқилганга қарамай, айрим туман ҳокимлари уларнинг қонуний фармойишлари билан фермерларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўқганлар, яъни фермерлар маъмурий буйруқбозлик таъзики остида шартномада қўқратилигандан ташқари дон сотишга мажбур бўлишган. Масалан, Ўқўғрон туманида 52 та фермер 127 тонна, Кесонсойда 104 та фермер 36,5 тонна, Янгиқўғронда 174 та фермер 34,8 тонна, Попада 136 та фермер 357 тонна бугдойни ўз ихтиёрида қолдиришга ҳақли бўлса-да, ҳар бир килограммининг 30 сўмдан давлатга топширишга мажбур бўлган.

Бу ишга прокуратура аралашувига тўғри келди ва улар томонидан Тўрақўғрон, Поп, Норин, Минбулоқ, Янгиқўғрон, Ўйчи ва Чортоқ туман ҳокимларининг ғаллачиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликлари ҳуқуқларини чеклаб қўқган қонуний фармойишларига протест келтирилиб, бу фармойишлар бекор қилинди.

Прокурорларнинг бундай қатъиятлилиги ўз самарасини берди. Биласизми, қандай қилиб бўлмасин режани тўқдиришни ўйлаган туман ҳокимлари ғайриқонуний фармойишлар чиқаришдан тийилдилар. Бунинг нафи қанчалик катта бўлганлигини қуйидаги мисоллардан ўзингиз ҳулоса чиқариб олишингиз мумкин.

Ўқўғрон туманидаги «Шодлик» фермер ҳўжалиги раҳбари С.Алибоев жорий йилда 20 гектар ерда бугдой етиштириб, давлатга дон сотиш режасини 121 фўзизга баҳарган, ўзида 40 тоннадан зиёд дон қолдирган, давлатга эса 14 тонна ортиқча дон топширган. 10 тонна ғаллани эса кам таъминланган оилаларга ёрдам тариқасида тақсимлаб берган.

Шу тумандаги «Мустақил» фермер ҳўжалиги раҳбари М.Бурхонев эса ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил қўқтаришга муваффақ бўлди. У режага қўқшимча 13,2 тонна дон сотган. Ҳўжалик ихтиёрида эса 106 тонна дон қолдирилди, шундан маълум қисми ҳўжалик аъзоларига тақсимлаб берилди.

Норин туманидаги «Бободехқон» фермер ҳўжалиги раҳбари С.Шарипов ҳам саҳоватпешалик қўқратди. У ўз ихтиёрида қолган бугдойнинг 5 тоннасини кам таъминланган оилаларга тарқатди. Бу мисоллар қўқлимидаги маълумотларнинг ўндан бири, ҳолос.

Ростини айтсам, ўқлаб фермерларнинг саҳоватпешалигига бевоғиса гувоҳ бўлиб, гоят тўққиланиб кетдик. Фермер қанчалик бойида, ҳалқимиз турмуши шўнақали яхшиланишига ишончимиз анада ортди. Бизнинг вази-фамиз уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳар қандай тўққилардан ҳимоя қилишни қатъият билан давом эттиришдир.



Сахифаларимизда:

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИ

ПРОКУРАТУРА ВА МУСТАҚИЛЛИК

ҚОНУННИ БИЛГАН АДАШМАЙДИ

— Баҳодир Нўмонович, республикамизда жуда катта шодийна — Мустақиллигимизнинг 9 йиллигини байрам қилиш арафасида турибди. Бу кунда сиз сизни ҳам тўққиз-лангиртадан бўла керак.

— Барча фуқароларимиз қатори мен ҳам ана шу улғу санага тобора яқинлашаётганимдан, қолаверса унда иштирок этиш шарафига муассар бўлаётганимдан беҳад мамнунман. Мустақиллик бизга бахт, иқбол, озоодлик, қолаверса хур фикрлашни бахш этди. Истиқлол туфайли жаҳонга юз тутди, жаҳон ҳам бизни таниди. Барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришилмоқда. Ана шу юзлашимизнинг бош омили бу мустақилликдир. Мен бир оддий кишлоқ фарзанди сифатида мустақиллигимизни шарафлайман, уни янада мустақамланишига муносиб ҳисса қўлишни ўзимнинг шарафли бурчим деб ҳисоблайман.

— Мустақиллигимизни мустақамлашда қонунариш аҳамияти беқийс. Қонуна таянмасдан туриб бирор бир ишни қўйиб қўйиб бажариб бўлмайди. Шундай эмасми?

— Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлисининг II сессиясида сузлаган нуктида «Энг муҳим ютуғимиз шундан иборатки, барча фуқароларнинг қонун олдида ҳуқуқий тенглигини ҳамда қонун ҳамма нарсадан устунлигини қадрлатовчи ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг мустаҳкам асоси яратилди... Қонун маъмурий буйруқ-бозлик тизимининг таълиқи ва зўравонлиқдан фарқли бўлиши, жамиятнинг бошқарилишининг самарали воситасига, ҳамма органлар фаолияти, ҳар бир фуқаро ҳуқуқ-атворининг мезонига айланмоқда», деган эди. Ана шу нуктадан келиб чиқиб демократик, ҳуқуқий давлатимизни ривожлантиришнинг мустаҳкам асоси бу қонунлардир. Шунинг учун ҳам мустақилликка эришилган, Президентимизнинг ташаббуси билан республикамизнинг ўз қонунларини яратишга киришилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингандан кейин шу асосда икки юздан зиёд қонун қабул қилинди. Ана шу қонунларга қатъий риоя этиш ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлиши керак.

— 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги қонун мустақиллигимизнинг давлат қонуниларидан ҳисобланади. Вилоятда ушбу қонуннинг амалга оширилишига тўғрисида?

— Ушбу қонуннинг 1-моддасида прокурорлар ҳамма жойда қонунларни аниқ ва бир хилда ижро этилиш устидан назоратни амалга оширадиган, деб қўрсатилган. Унга мувофиқ, виллоятимиз прокуратура идоралари республикамизнинг барча қонунларининг ташкилот, ҳўжалик ва муассасаларда бажарилиши устидан мустаҳкам назорат ўрнатганлар. Шу каби Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ПРОКУРАТОРИНИНГ 1-ЎРИНБОСАРИ БАҲОДИР САИДОВ БИЛАН СУҲБАТ

қарорлари ва қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши ҳам улар томонидан назоратга олинган. Кўпчилик шаҳар ва туман прокуратура идораларида қўлланилаётган прокурорлик таъсир чоралари йилдан-йилга яхшиланмоқда. Биргина бозор иқтисодиётини шакллантириш борасидаги қонунлар ижроси юзасидан шу йилнинг биринчи ярми давомида 619 та текшириш ўтказилди. Кўрилган таъсир чоралари 4563 тани ташкил қилди. Зарарни ундириш юзасидан қонунлар қўлланилган давво аризалари ва қўзғатилган жиноят ишлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан анча ортди. Ўзгара тўлов интизомига риоя қилиш ҳақидаги қонунлар ижроси юзасидан 51 та текшириш ўтказилди. 219 та прокурорлик таъсир чоралари қўлланилди, 17 та жиноят иши қўзғатилиб, айбдорлар қонуний жазо олдилар. Ҳўжалик судига 66 млн. 951 минг сўмлик 31 та давво аризаси юборилди. Таъсир чораларининг натижасига қўра муддати ўтган дебитор қарзларини маълум даражада камайтишига эришилди. Наманган шаҳар прокуратураси ҳарбий мажбурият ҳақидаги ва Янгиқўрган туман прокуратураси фермер, деҳқон ва ширкат ҳўжалиқлари тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан намунали прокурорлик назорати ўрнатганлар. Уларнинг бу соҳадаги иш тахрибалари виллоят прокуратураси хайъати томонидан ижобий баҳоланди ва оммалаштиришга муносиб деб топилди.

— Юқорида Янгиқўрган туман прокуратурасининг фермер ҳўжалиқлари тўғрисидаги қонунларнинг ижроси устидан ўрнатган назоратни эълантиб ўтдингиз. Шу ҳақда батафсилроқ гапириб берсангиз?

— Кейинги йилларда республикамизда кишлоқ ҳўжалигига оид Президентимизнинг қўллаб-қувватлаш, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва бир қанча қонунлар қабул қилинди. Уларнинг амалга оширилиши туфайли кишлоқ ҳўжалиги ишлаб қичаришида туб ўзгаришлар асалди. Айниқса «Фермер ҳўжалиги тўғрисида», «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисида» ҳамда «Ширкат ҳўжалиги тўғрисида» қабул қилинган қонунлар кўчга киргандан бошлаб самараси қўзга яққол ташланди. Бу меъёрий ҳўжатлар бевоасита фермерларни қўллаб-қувватлашга бағишланган. Айни вақтда виллоятимизда 2418 та фермер ҳўжалиги иш юритмоқда. Биргина Янгиқўрган туманида 172 фермер ҳўжалиги бор. Туман прокуратураси фермерларга ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий ёрдам кўрсатмоқда. Унинг ёрдами билан фермерларга 87 миллион сўм

маблаг ажратилганлиги, 17 нафар фермерга қўшимча 85 гектар ер берилгани бунинг мисолидир.

— Шаҳсан виллоят прокуратураси деҳқон, фермер ва ширкат ҳўжалиқлари тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши устидан қандай назорат ўрнатган?

— Ана шу қонунларнинг ижроси устидан ҳамма ҳўжалиқларда прокуратура идоралари мустаҳкам назорат ўрнатган. Фермерларга про-

куратура ходимлари томонидан қонунлар ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилаётди. Ўз ҳуқуқини билмаган фермерларга маслаҳатлар берилипти. Виллоят прокуратурасининг ташаббуси билан шу йилнинг апрель ойида фермерлар учун мулоқот ташкил этилди. Унда фермерлар ҳал бўлмаётган қонуний талабларини ўртага ташладилар. Мулоқотда қатнашган виллоятдаги турли идораларнинг раҳбарлари фермерларнинг муаммолари албатта ҳал қилинаётганини ўз сўзларида билдирдилар. Бу мулоқот аниқса қонуний ҳуқуқини билмаган фермерлар учун фойдали бўлди.

— Қонун-қонидан билмаган айрим фермерларнинг ҳуқуқларини юқори ташкилотлар, айниқса қонунлардан хабардор бўлмаган ҳўжалиқлар томонидан поймол қилиш ҳолатлари юз берди-ми? Уларга қарши прокуратура идоралари қандай чора-тадбирлар белгиледи?

— Президентимиз таъкидлашича, ҳўқимлар қонунларнинг бажарилишини таъминлашга масъул бўлишлари керак. Ваҳоланки баъзи бир ҳўқимлар қонунлардан беҳабар қўринадилар. Буни улар томонидан содир этилаётган қонунбузарликлардан яққол билиш мумкин. Фермер ҳўжалиқлари контрактация шартномасини бажарганидан қолган ҳўсилни ўз эҳтиёжи учун олиши керак. Бироқ бу йилги галла ўрими-йилнинг даврида айрим туман ҳўқимлари томонидан шартномадан ташқари донни ҳам давлатга сотиш юзасидан ноқонуний фармойишлар қабул қилинди. Масалан, Учқўрган Тўрақўрган, Поп туманларида шартномадан ошқича етиштирилган дон ана шундай қонунбузиш йўли билан олинди. Виллоят прокуратурасининг ишчи гуруҳи ушбу ҳолатни аниқлагандан кейингина мазкур туманлар ҳўқимларининг галлачилик йўналишидаги фермер ҳўжалиқлари режадан ортқича дон топшириш тўғрисидаги ноқонуний фармойишлари бекор қилинди.

— Мустақиллигимизнинг 9 йиллик байрами муносибати билан қандай эзу истаклар билдирмоқчисиз.

— Ҳўқуқий демократия давлатда яшайдиган киши билимли, қонунларни яхши ўрганган ва унга доимо амал қиладиган, Президентимиз айтганидек, эллага, юртга қон фидо этадиган ватанпарвар бўлиши шарт. Мен ҳар бир фуқарода ана шу хусусиятлар бўлишини истайман. Истиқлол қўеши юзимида, қалбимизда илжлик бахш этаверсин.

Эркин КАМБАРОВ
суҳбатлашди

ДИЛ ИЗҲОРИ

Президентимиз Ислам Каримов деҳқон-фермер ҳўжалиқларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишини янада ривожлантириш, ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш юзасидан тинмай гамхўрлик қилиб келмоқдалар. Биз Президентимизнинг ана шу кўрсатмаларини амалга ошира бориб фермерларга эътиборни қўнайтирмоқдамиз. Туманда 172 фермер ҳўжалиги бор. Улар туманимиз прокуратураси томонидан назорат остига олинган. Ҳар бир фермерга ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Шу йилнинг март ойида туман прокуратураси ходимлари фермерлар билан очик мулоқот ўтказди. Унда фермерларнинг ҳал бўлмаётган муаммолари ўрганилди. Мулоқотда ўртага қўйилган талаблардан келиб чиқиб, прокура-

ПРОКУРАТУРАДАН МИННАТДОРМИЗ

туранинг саъй-ҳаракати билан фермерларнинг ишини ривожлантириш учун туман ҳисобидан 87 миллион сўм маблаг ажратилди. 17 нафар фермерга қўшимча 85 гектар ер берилди. Ана шу ёрдамдан руҳланган фермерлар астойдил меҳнат қилиб, барча экинлардан баракали ҳўсил етиштирдилар. Айниқса, уларнинг галлачилик бўйича тузган шартномаларини муваффақиятли бажаришгани таҳсинга лойиқдир.

Заркент кишлоғидаги Маҳмуджон Оролов бошлиқ «Бўғбон-А» фермер ҳўжалиғида 1,6 гектар майдонда галла етиштирилди. Унинг бирор миқсolini ҳам нест-нобуд қилмай ўриб-йигиб олинди. Ҳўсилдорлик 70 центнердан ташкил этди. Давлатга 3850 килограмм бугдой етказиб берилиб, контрактация шартномаси барвақт бажарилди. Фермер ҳўжалигининг ўзига 7350 килограмм дон қолди. Ҳадикент кишлоғидаги Зокир Тўрабоев бошлиқ «Захридиган» фермер ҳўжалигининг галлачиликда эришган ютуғи ҳам таҳсинга сазовордир. Бу ерда 5 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60 центнердан бугдой йигиштириб олинди. Дали Сатторов номли жамоа ҳўжалиғидаги Содиқжон Болтабоев бошлиқ «Маъмурчилик» фермер ҳўжалиғида 4 гектар ердаги бугдойдан 50 центнердан дон хирмони кўтарилди.

Туман прокуратураси фермерларнинг ўз вақтида сув, техника, минерал ўғит ва бошқа ресурсларга бўлган талаб-эҳтиёжини қондиришда яқиндан амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бунга оид муаммолар ҳар ойнинг охириги шанба куни фермерларнинг туман прокуратурасида ўтказиладиган йиғилишида кўриб чиқилади. Ана шундай йиғилишларнинг бирида Ж.Охуннов номли ширкат ҳўжалиғидаги 6 та фермер экинларни сўғиртишда қийналаётгани, сувни 3 километр жойдан олиб келишадигани, лекин оби-хаёт охирига етмай йўлда қолиб кетаётганини маълум қилиб, ёрдам кўрсатишни сўради. Прокуратуранинг аралашуви билан Мозоржигла участкасидаги бу фермерлар «Галаба» насосидан сув оладиган бўлдилар.

Бу йил фермер ҳўжалиқларида 358 гектар ерда бўлгандан мўл ҳўсил етиштирилди. Давлатга шартнома бўйича 820 тонна дон етказиб берилди. Фермер ҳўжалиқларининг қўнчилиги шартнома шартини тўла бажарди. Фермерларга мадад берилмаганида бундай ютуқларга эришиш қийин бўлишини ҳаммамиз сезиб турибмиз.

Шунингдек, бу йил фермер ҳўжалиқларида 295 тонна картошка, 261 тонна सबзавот, 50 тонна полиз маҳсулоти, 65 тонна мева тайёрлашга аҳд қилинган. Туман прокуратураси бизга мадад қўлини чўзган экан, бу топшириқлар ҳам албатта бажарилади. Фермер ҳўжалиқларимизнинг аъзолари ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий ёрдами учун туман прокуратурасидан беҳад миннатдордирлар.

Олимжон НАЗАРОВ,
Деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари уюмлари
Янгиқўрган туман вакилликнинг директори



Суратда: Наманган шаҳар прокуратурасининг янги биноси.

ВИЛОЯТ ПРОКУРАТУРАСИГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН ПРОКУРОР ПРОТЕСТ КИРИТГАЧ...

Ўғлим Бахтиёр Ҳайитмиров 300 килограмм пиёз ўғирлагани учун туман судининг ҳўқими билан 6 йил муддатга озодлиқдан маҳрум қилинди. Суд ўғлимнинг зарарни тўла қолганини, қолаверса, оғир касалликка чалинганлигини ҳисобга олгани йўқ.

Орадан кўнлар ўтди. Ўғлимни ўйлаб юрак-бағрим адо бўлди. Сўнг арзимини тинглайдиганлар бордин дея виллоят прокуратурасига ўғлимга енгиллик беришларини сўраб ариза билан мурожаат этдим. Прокурор арзимини ўрганиб чиқиб, ўғлимнинг жиноят ишига протест киритди. Етказилган моддий зарарнинг камлиги, зарар тўла қолганлиги, судланувчи оғир касалликка чалинганлиги, қолаверса судланувчининг жиноятдан пушаймонлигини ҳисобга олиб, суд уни озодлиқдан маҳрум қилиш жазосини енгиллига алмаштирди. Натижада ўғлимнинг даволанишига шароит яратилди.

Бунинг учун виллоят прокуратурасига, унинг барча ходимларига чексиз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Исоҳок ҲАЙИТМИРОВ,
Янгиқўрган шаҳарчаси, Кўрик қўчасида
яшовчи меҳнат фахрийси

ТЕРГОВЧИЛИК ИЖОД БИЛАН БАРОБАР

Алижон Мавлонов 1961 йилда Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, Олабуқа туманида туғилган. 1989 йил Москва юридик институтини тамомлаган. 1992 йил Наманган вилоят прокуратурасининг умумий назорат бўлимида бўлим прокурори вазифасида ишлаган. 1994-1998-йилларда Косонсой туман прокурори ёрдамчиси, прокуратура терговчиси бўлган. 1998 йил август ойидан ҳозирга қадар вилоят прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўлимида алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи, адлия кичик маслаҳатчиси. Оилали, уч нафар фарзанди бор.

— *Хотирангизда муҳрланган нарсанима?*

— Туман прокуратурасида иш ўрганиш вазифасида фаолият бошлаган кунларим эди. Проккурор меҳнат таътилида, ўринбосари шифохонада эди. Бир пайт чекка қишлоқларнинг бирида қотиллик содир этилгани ҳақида хабар қилинди. Шунда ҳеч иккиланмай воқеа жойига бордим. Не кўз билан қарайки, 72 ёшли кампир полда узала ётибди. У 29 жойидан жароҳатланган. Дастлаб мен жасадни кўздан кечириб, барча ҳолатни бирма-бир қозғога туширдим. Атрофни обдон ўргандим. Шу пайт дераза ойнасидаги миҳда момик талага кўзим тушди. Кейин уни ҳам далилий ашё сифатида белгилладим.

Бирок, қотиллик тўғрисида бошқа ҳеч қандай нарсани аниқланмади.

Нима қилиш керак? Мен ўзимга бир неча бор савол бердим. Охири жамоатчилик ёрдамига таянишга аҳд қилдим. Чунки бу йўл орқали жиноят очиқлишига ишонардим. Шу ишончга таяниб, атрофдагиларни суҳбатга тордим. Жиноят қилишга мойил шахсларни қачон, қаерда, ким билан нима қилганини ўргандим. Лекин уринишлар унчалик самара бермади. Шу пайт ёши элликлар чамасидаги киши қотиллик содир этилган кун кечки пайт икки нафар шахс пана жойда спиртли ичимлик ичиб ўтирганини баён этди. Ғумони борлигини қўшимча қилди. Дарҳол уларнинг шахсини аниқладим. Маълум бўлишича, ўша кунги спиртли ичимлик истеъмоли қилиб ўтирганлар 18 ёшлар чамасидаги Аваз исмли йигит ва иккинчиси (исми эсимда йўқ) 50 ёшлар атрофидаги киши бўлиб чиқди. Бирок Аваз ўша кунгича қаёққадир қойиб бўлган экан. Буни қарангки, тезкор тадбирлар нати-

жасида йигит автовокзалдан топилди. Бордини ўн, ўн беш минут кечикилганда у бирор ёққа жуфтатки ростлаб қоларкан.

Ғумондор тутиб келинган, у билан дастлабки терговга киришдим. Лекин қанча ҳаракат қилмай натижа бўлавермади. Чунки Аваз асло сирини бировга айтмайдиган, ўта камгап экан. Охири бу тўғрида прокурор билан маслаҳатлашдим. Ўшанда у киши жиноятчи билан яқиндан муносабатда бўлишни, уни ва атрофидаги шахсларни ҳар томонлама пухта ўрганиш лозимлигини айтди. Ниҳоят шундай йўл тутдим. Ишонсангиз икки кунда аранг исми, ёши, қаерда туғилганлигини маълум қилган йигит учинчи кун олиб боришга тергов ҳаракатларидан сўнг бўлган воқеани рўй-рост айтиб берди. Экспертиза хулосалари, тергов натижалари ва гувоҳларнинг қўзғалмалари Авазнинг қотиллигини исботлади. Ҳатто деразадан олинган тала унинг пальтосидан қолганлиги аниқланди. Суд унинг бир ой кам ўн саккизга киргани боис тўққиз йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлади. Шеригига 11 йил қамқоқ жазоси белгиланди. Гапираверсам гап кўп. Аммо бир нарсани, терговчилик ҳам ижод қилиш билан баробар.

— *Бўш ахвларда қандай ишлар билан машғул бўласиз?*

— Аслида-ку, бўш вақтни топиш қийин. Мабоодо, шундай бўлса, қонунларни мутолаа қилиш билан банд бўламиз. Энг асосийси эса фарзанд тарбияси мен учун дам олишга тенг.

— *Терговчиға ортиқча иш бўладиган нарсалар тергов материаллигини суддан қайтишидир. Демокчиликни, сизнинг тайёрлаган «дело»ларингиздан бирортаси қониқарсиз баҳоланганми?*

— Йўқ. Ўйлайманки, бундан кейин ҳам бўлмайди.

Суҳбатдош: Баҳодир ХАМИДОВ

Одатда бозорнинг тўкин-сочинлигидан аҳоли турмуш даражаси нечоғлигини билиб олиш мумкин. Унда мўл-кўлчилик бўлса, демек бу фаровонлик белгисидир. Очиги, бугун бозорларимизга кирсангиз дилингиз яйрайди. Чунки пештахталар турли-туман махсулотлар билан тўла. Ким нима қидирса топади. Бироқ ҳамма жойда ҳам бозорларимиз рисоладагидек ишлаяпти, деб бўлмайди.

ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИНИ КЕЗГАНДА...

Наманган шаҳридаги «Чорсу» деҳқон бозорида бўлганимизда ташвишли ҳолнинг устидан чиқдик. Ушбу бозор маъмуриятининг эътиборсизлиги туфайли аҳолининг кенг турдаги савдо-сотиқ ишларини амалга ошириши учун гуруч-дон, шоли ва қўқат расталарида етарли шароитлар яратилмаган. Шунингдек, қўқатлар сотиш растаси маҳаллий уй шароитида тайёрланган миллий таомлар билан савдо қилувчи фуқароларга бериб қўйилган. Деҳқонлар эса соя-бонларсиз йўлакларда савдо қилишаётир. Бироқ бу ҳолат бозор маъмуриятини заррача қизиқтирмаган кўринади.

Норин туманидаги «Деҳқон бозори»да кадрлар тайёрлаш масаласига етарли эътибор берилмаган. Ишга нолойиқ шахсларга нақд пул билан муомала қилиш ваколати юклатилган. Мисол учун, назоратчи М.Иминов шу йил 7 июл кунги ўтказилган текширишда қамомдага йўл қўйганлиги ошқор этилди. Назоратчи М.Умаровнинг кассаси текширилганда сотилган паттага нисбатан 200 сўм ортиқча пул борлиги аниқланди.

Қонунбузиш ҳолатлари Тўрақўрғон туман «Деҳқон бозори»ларида рўй бермоқда. Гарчи, туман ҳокимлиги қарор ижроси учун масъул бўлса-да, амалда «Умар Шайх Мирзо», «Шоҳидон», «Оқтош» ва «Аҳси» деҳқон бозорларида савдогарларга лозим бўлган расталар, савдо ўринлари яратилмаган. Оқбатда сотувчилар очик майдонларда, бозорлар атрофидаги йўлакларда, анкироғи, белгиланмаган жойларда санитария нормаларига ҳилоф равишда савдо қилишга мажбур бўлишапти. Бозорларда махсулотларни тушириш ва юклаш учун махсус майдонлар ташкил этилмаган.

«Шаҳанд» деҳқон бозори ҳиссадорлик жаamiaтида фуқаро Насриддин Раҳимов қонунбузарликка йўл қўйиб шакар махсулотлари билан савдо қилаётганининг устидан чиқдик. Унга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғатилди.

Вилоят прокуратураси идоралари томонидан маъмур текшириш аяқларига кўра қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш узаcидадан прокурорлик таъсир чоралари қўрилди. 4 нафар мансабдор шахс қонун талабларини келгусида бузмаслик ҳақида расман огоҳлантирилди. 30 нафар шахс интизомий, 101 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди, 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Хулоса қилиб айтганда, жойлардаги тегишли шахсларнинг масъулиятсизлиги, қолаверса, ўзбошимчилиги уларнинг ана шундай тарзда жавобгарликка тортилишига сабабчи бўлди.

Бахтиёр ХОЛМИРЗАЕВ,
вилоят прокуратурасининг умумий
назорат бўлими бошлиғи

Қўшасифони «Дибнот» газетаси
муҳбирлари Э.КАМАРОВ ва
Б.ХАМИДОВлар тайёрлаган.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

МАШАДДА ЯНА НИМА БЎЛДИ?

Бу қишлоқнинг номи нафақат вилоятда балки республикамизда барчага маълум бўлиб қолган. Бундан 3-4 йил аввал бир гуруҳ экстремистлар томонидан бегуноҳ фуқароларга нисбатан уюштирилган босқинчиликлар айнан мана шу қишлоқда содир этилган эди. Ўша кунларда қишлоқда нотинчлик ҳукм сурди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг тезкор-қидирув ходимлари кеча-кундуз иш олиб бординлар. Натижада жиноятчилар қўлга туширилиб, қилишларида яраша жазо олишди.

Шу йилнинг февраль ойи ўрталарида қишлоқда яна нотинчлик бошланди. Осиёишталек посбонлари кўчама-кўча, уйма-уй юриб тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширдилар. Уларни кўрган фуқаролар «Машада яна нима бўлди?» дея бир-бирларидан сўрашар эди.

Ҳўш, аслида нима бўлган эди? Шу йилнинг 13 февралига ўтар кечаси шу қишлоқдаги Ғ.Ғулом кўчасида яшовчи Фахриддин Усмонов хонадонига бир гуруҳ шахслар кириб босқинчилик қилишмоқчи бўлишди. Лекин...

Ушбу жиноят режаси асли Тошкент шаҳридаги Қўйлик бозорида тузилган эди. Шу йилнинг 10 февралда машадилик ҳамқишлоқлар Илҳомжон Мамажонов ва Бурхониддин Камолевлар пойтахтда учрашиб қолди. Сўнг ўзаро маслаҳатлашиб Қўйлик бозорида келишди. Бу ерда уларга машадилик Ғофур Икромов рўбарў бўлди. У нон ташийдиган аравани етаклаб олган эди.

— Нон сотиш ҳам жонимга теғди, - дея шикоят қилди у ҳамқишлоқларига. — Кечгача тиним билмайман.

— Уқимагандан, ишлагандан кейин аҳвол шунча кечади-да, — жавоб қилди унга Бурхониддин.

Ҳамқишлоқлар бозорнинг четроқ жойига ўтиб, бир пиёла чой устида қуюқ суҳбат қуришди. Азим шаҳарда сандирақлаб беқор юргандан кўра қишлоққа қайтиб бирор иш билан машғул бўлишни афзал кўришди.

— Яхшииш учновимиз Машадага бориб бирор қимсаннинг уйини ишпишйидон қилайлик. Ажабмас, пулдор бўлиб кетсак. Ана шунда бозордаги ишимиз ҳам гуриллаб кетармидийкин? — таклиф қиритди Ғофур.

Бу таклиф ҳамқишлоқларга маъқул тушди. Улар шу ерда ўтириб қишлоқдаги ўзига тўқ қишлоқлар номи бир-бир тилга олишди. Сўнг мақсадни амалга ошириш учун Ғофур Фахриддин Усмонов уйини танлашди. Ҳамтовоқлар катъий фикрга келишгач, 11 февраль кунги Машад қишлоғидаги А.Мўминов номи жамоа ҳўжалигининг 1-бригадаси дала шийпонидида учрашадиган бўлишди.

Ана шу йўлдан сўнг Илҳомжон Ғофур билан Наманган шаҳрига келиб бир танлиминикида тунаб қолди. Эртасига соат 12 лар чамасида истироҳат боғи ёнида Бурхониддин билан учрашди. Бу ерда улар бир қарорга келишди.

Қишлоқ аҳли тинч ухлаётган пайтда Илҳомжон, Бурхониддин ва Ғофур дала шийпонидида учрашди. Бурхониддин қўлида пичоқ ва теша дастаси кўтариб олган эди. У пичокни Илҳомга «керак бўлиб қолар» дея берди. Уччовлон ўзлари билан олиб келган 2 шиша винони

набат билан симиришди. Сўнг ҳар қайсиси спорт шалқасини никоб қилиб қийишди Фахриддиннинг уйига жўнашди.

Манзилга етиб келгач, янги қурилатган участка орқали мўлжалланган ховлига девор оша тушишди. Бурхониддин бориб уй олдида ёниб турган лампочкани ўчирди.

Соат тунги бирларда хонадон соҳибаси Озодахон ташқаридаги чироқ ўчиб қолганини билиб қолди, турмуш ўртоғи Фахриддинни уйғотди ва чиқиб хабар олиш кераклигини айтди. Фахриддин қийинчи ховлига чиқиб қараса молхона олдидаги чироқ ҳам ўчган экан. У «нима бўлдийкин?» дея дарвоза томон бурилиб, деворга ёпишиб турган, юзига никоб тутиб олган уч кишини кўриб қолди. Бирининг қўлида пичоқ, иккинчисида эса теша дастаси бор эди. Улар «чурк» этишмасди. Шу пайт Фахриддин бироз ваҳимага тушиб, орта қайрилиб уйдагиларни бақириб ёрдамга чақирди. Бундан кўрққан ҳамтовоқлар уй эгасига ташланишди ва унинг озғини беркитмоқчи бўлишди. Олишув бошланиб кетди. Уй эгаси ҳамтовоқлардан бирининг бошидан никобини тортиб, қўлидан маҳкам ушлаб олди. Уни қутқариш учун ёрдамга келган Илҳом Фахриддиннинг ўнг оёғи сон қисмига пичоқ билан урди. Уй эгаси ерга ётиб қолди. Бақир-чақирдан уй соҳибаси Озодахон ҳам ичкаридан таёқ кўтариб чиқиб, баланд овоз билан қичқирди, қўниқўшларини ёрдамга чақирди. Босқинчилар «қўшларни қичиб таниб қолишмасин» дея жуфтатки ростлаб қолди.

Ховлидаги Бақир-чақирдан оғох бўлиб қўшларни қичиб Фахриддинга тиббий ёрдам кўрсатиш учун касалхонага олиб кетишди. Дарҳол туман ИИБга хабар қилинди. Воқеа жойида босқинчилардан бир пичоқ ва теша дастаси тушиб қолган эди. Илдам етиб келган тезкор гуруҳ қидирув ишларини бошлаб юборди.

Босқинчиларни қўлга тушириш осон кечмади. Милиция ходимларининг кеча-кундуз олиб борган саяёҳаракати билан Илҳом ва Бурхониддинлар беркиниб юрган жойидан тутиб келтирилди. Улар босқинчилик ҳаракати учун Уйчи туман суди ҳукми билан муносиб жазо олдилар. Илҳом Мамажонов ва Бурхониддин Камолевлар 12 йилдан муддат билан озодликдан маҳрум этилдилар. Ғофур Икромов ҳозирда қилирувда бўлиб, у ҳам жазодан қочиб қўтили олмайди.

Машадилик бир гуруҳ босқинчилар ҳамқишлоқларининг бундан бир неча йил аввал содир этган жиноятларини тақдорламоқчи бўлишди. Лекин уни амалга оширмайлаш тушугандан илминдилар. Энди улар панжаҳра орқасида қилишшидан «аттанг» деб пушаймон бўлиб юришибди.

Абдулмахмуд ТҲАҲТОЕВ,
Уйчи туман судининг раиси

ФАРМОН ВА ИЖРО

— *Айтилгичи, монополиядан чиқариш бошқармасининг молия бошқармаси тизимидан алоҳида ташкилот сифатида ажратилиши сизларга қандай масъулият юклайди?*

— Бозор иқтисодиётининг асосий шартларидан бири соғлом рақобатнинг мавжудлигидир. Соғлом рақобат энг биринчи навбатда истеъмолчилар манфаатларига хизмат қилади. Мамлакатимизда юз бераётган иқтисодийнинг эркинлаштириш жараёнларига мантқан боғлиқ ҳолатда монополияни чеклаш мустақил идораси ташкил этилди. Эндиликда бизнинг масъулиятимиз бир неча марта ошди, десак муболага бўлмас. Фармонда кўрсатилганидек, бизнинг ташкилотимиз зиммасига бир қанча муҳим вазифалар юклатилган. Қисқа қилиб айтганда, «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунинда қўзда тутилган мақсад ва вазифаларни айнан биз амалга оширамиз. Яъни товарлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, истеъмол бозорларини монополаштириш ҳолатларининг олдини олиш, дастурлар ишлаб чиқиш ва тadbик этиш, мустақам ҳуқуқий базани вужудга келтириш, нарх-наво мониторинги, соғлом рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш, табиий монополиялар устидан ваколат доирасида назорат ўрнатиш, реклама тўғрисидаги ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби қатор

Яқинда Президентимиз томонидан «Монополиядан чиқариш ва соғлом рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»-ги фармон қабул қилинди. Фармоннинг айнан шу қунларда қабул қилиниши бежиз эмас. Фармонга биноан барча вилоятларда қўмитанинг бошқармалари ташкил этилиши қўзда тутилган. Ҳозир ташкилий босқичда турган, шу вақтгача молия бошқармаси ҳузурида фаолият кўрсатган Сирдарё вилояти монополиядан чиқариш бошқармаси раҳбари Алишер Ҳайдаров билан суҳбатимиз янги ташкил этилаётган бошқарманинг вазифалари, шу вақтгача амалга оширилган ишларининг яқунлари ҳақида бўлди.

БОЗОР МОНОПОЛИЯНИ ЁҚТИРМАЙДИ

вазифаларни амалга ошириш биздан талаб этилмоқда.

— *...Вилоятимиздаги монополистик корхона ва ташкилотлар тўғрисида тўхталиб ўтсангиз...*

— Берилган ваколатга мувофиқ монополистик корхоналарнинг давлат реестрини биз юристамиз. Шу вақтгача 43 та монополистик ташкилот ўзларининг 91 хил маҳсулот ва хизмат турлари билан бизнинг назорат ҳисобимизга киритилган. Улардан баъзиларини келтириб ўтишим

мумкин. «Ховосдон» х/ж омўхта ем ишлаб чиқариш бўйича, «Шўхрат» х/ж гуруч ишлаб чиқариш бўйича, Янгиер қурилиш материаллари комбинати, паррандачилик фабрикаси, «Лаззат» ДАЖ каби корхоналар ўз соҳаларида монополистик ҳисобланади. Бу ташкилотларнинг фаолияти биринчи навбатда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нукта-назаридан назорат қилинади.

— *Истеъмолчилар ҳуқуқларини бузиш ҳолатлари ҳам учраб туради-ми?*

ми?

— Афсуски, шундай. Утган олти ой мобайнида ходимларимиз томонидан 22 маротаба текшириш ўтказилган. Аниқланган 78 та қонунбузилиш ҳолатларининг 69 тасида (88,5 фоиз) истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилган. 40 та ҳолатда истеъмолчилар ҳуқуқларига оид қонуннинг 5-моддаси бузилган. Яъни ишлаб чиқариш бўйича маълумот

берилмаслиги, фирма номининг акс эттирилмаслиги, истеъмолчиларга касса чеки берилмаслиги ҳолатлари қайд этилди. 5 та ҳолатда товар унун прейскурантда кўрсатилгандан ортиқча ҳақ ундирилган. Мисол учун, Гулистон шаҳридаги «Зангори эҳрон» таъмирлаш устанонасига 67065 сўм жарима солдик. Маълум бўлишича, бу ерда мижозлардан тасдиқланган нархдан ортиқча миқдорда ҳақ ундириб олишган. Шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқлари поймол этилганлиги сабабли «Хайдовчи» акциядорлик жамиятига 127000 сўм, Меҳнатобод ва Мирзобод МТП ларига 127 минг сўмдан жарима солинди.

— *Вилоятимизда «Реклама тўғрисида»-ги қонун назорати қандай*

йўлга қўйилгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

— «Реклама тўғрисида»-ги қонун назоратини амалга ошириш учун махсус комиссия таъсис этилган. Дастлаб қўладарда тамаки маҳсулотлари рекламалари пайдо бўлганди. Комиссия назорати туфайли улар олиб ташланди. Вилоятимиздаги оммавий ахборот воситаларида берилмаётган рекламалар доимий назоратимизда. Мана яна бир мисол. «Лечиво» қўшма корхонаси ўз дори маҳсулотларини реклама қилишда қўпол равишда қонун талабларини бузган. Ўз препаратларини «умум-жаҳонга машҳур» дея таърифлаган. Бизнинг аралашувиимиз туфайли бу ҳолатга барҳам берилди.

— *Истеъмолчиларнинг ўзлари ҳам ариза ва шикоят билан мурожаат этиб турадиларми?*

— Утган олти ой давомида 5 та ариза қабул қилинганди. Уларнинг 4 таси истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинди. Жумладан, Сайхунбод туманидан нафақадор Қурбон Хазратовнинг аризасига биноан И.Мўминовга қарашли тегиримон ёпиб қўйилди. Текширишда истеъмолчига сотилган ун ҳақиқатан ҳам сифатсизлиги аниқланди. Шунингдек, Гулистон шаҳар Эшонқўжаев кўчасидаги 37-ўйдаги яшовчи истеъмолчиларнинг аризасига биноан ертўладаги яроксиз қувурлар таъмирланди, электр линияси ер остидан ўтказилди.

Суҳбатдош: А.МУСТАФОҚУЛОВ

АФСҮС

ҚАРИНДОШЛАР ФОЖЕАСИ

Хуллас, жаноза ими-жимиди ўтказилди. Марҳум ерга қўйилди. Аммо унинг сирли ўлими, қариндошларининг эса у даражада қайғуга ботмай, балки ташвишланаётганлиги, ғас-солнинг эса мурдани ювишдан бош тортиши жумбоқлигича қолиб, йиғилганлар бу ҳусусда бир тўхтамга кела олмади тарқалишди.

Орадан икки кун ўтгач, «Ғойиб ота» қабри-стони руҳларининг тинчи бўлишди. Қабр очили-ди. Барчани ҳайратга солган бу сирли олим-нинг тафсилоти ойдинлашди.

...Отасининг уйдан бир хонани бўлак қилиб олиб яшаётган Ғофур ўзаро жанжал сабаб турмуш ўртоғи Мухаббатнинг кетиб қолганидан буён ёлғиз ўзи сиқилиб яшаб келарди. Дардлашар деса иччи келавериб ота-онаси-ни ҳам безор қилиб юборган, укаси Фулом билан гапи қовушмас, келини Нилуфар эса уни жинидан бадтар ёмон кўрар эди.

Юрагига қил сиймай юрган Ғофур укаси-нинг туғилган кунини нишонлаши, қариндош-уруғларини қаҳришини эшитиб жуда севин-ди. Гарчи тез-тез иччи келиб ота-онаси билан ит-мушук бўлиб жанжаллашган, оиласининг бузилишига уларни сабабчи деб билса ҳам шу кунни гина-қудуратни унутди, қариндошлари билан гурунглашиб кўнглини ёзмокчи бўлди. Эрта билан чиқиб укасининг хизматига турди. Қозон-ўчоққа қарашиб, келган меҳмонларни кутиб олди.

Ярим кечга бориб меҳмонлар тарқалди-лар. Хонада қатта акиси Рашид иккаласи қол-ди. Фақат ана шу акисигина уни тушунар, унга далда бериб кўнглини кўтарарди. Ғофур естиққа ёнбошлаганича акиси билан энди суҳ-батни бошлаган пайтда хонага келини Нилу-фар кириб келди.

— Ҳалиям ётибдими бу ҳаромзода, уйига кетмай?!

Келинининг ўзига қарата зарда билан ай-тган бу гапи Ғофурга жуда оғир ботди. «Қўрдин-гизми?», деганидек акасига бир қараб қўйди-ю, тишини-тишига босди. Келини чиқиб кет-гач, хонага укаси Фулом кирди:

— Ака, хотиним сизга нима ёмонлик қилди, уни сўқибсиз?

Ғофур жавоб беришга улгурмай хонага яна Нилуфар кириб келди-ю, қўлидаги таёк билан қайнақсининг оёғига зарб билан икки-уч бор туширди. Жаҳли чиқиб ўрнидан тураётган Ғофурни акиси Рашид ушлаб қолди.

Укаси билан келини чиқиб кетгач, Ғофур шишиб чиққан оёғини акасига кўрсатди.

— Қўрдингизми, ака. Ўз уйимда беғоналар-дек ўрнлашиб ҳайдаятлар.

...Жанозага йиғилганларнинг барчаси нималарнидир пичирлашар, гўё жанозага эмас, балки ҳаммаси мушкул бир жумбоқни ечиш учун тўпланишгандек, ўз гумонла-рини ўртага ташлар, бири-бирига тўғри келмайдиган фаразларни эшитиб ҳайратлани-шарди.

Шу вақт ўлик ётган хонадан ғассолнинг отилиб чиқиши, мурдани ювишдан бош тортганлиги, марҳумнинг қариндошлари ялиниб, ёлвориб уни яна ичкарига олиб кириб кетгани йиғилганларнинг таажжубини янада оширди. Ғассолга ёрдамлашиш учун на қўни-қўшни киритилди, на таниш-билиш.



лади. Икки-уч маротаба оғир зарб билан тушган ўқлов синиб кетди.

...Қунда бўлмаса ҳам кунора бўлиб тура-диган жанжаллардан юрагини олдириган она-изорнинг бу сафар уларни тинчланишга қурби етмади. Қўқсини чаңгаллаганича ҳушидан кетиб йиқилди. Ота эса ҳамон ўз жигарбанди-ни сўқиб қарғарди:

— Илоҳим тонггача шу уйдан ўлигинг чиқ-қай. Чикмаса рози эмасман...

Бу гапни у бир неча бор такрорлади. Ота қарғиши ўқ, дейдилар. Афсуслар бўлсинки, Ғофурга қарата отилган бу «ўқ» аниқ ва беҳа-то мўлжалга теккан эди.

Узлуксиз давом этиб келаётган жанжал-лар, уйқусиз тунар, ўз жигари билан арзи-мас нарсасаббаб ёқабуғишлар отанинг тинка-мадорини қуритиб, сабр-бардошини тутатган эди. Бунинг устига ичкилик ҳам ўз кучини кўрсатиб қўзларини қонга тўлдирган-ди. Фақат «Ўлдириш керак, ўлдириш», дея

такрорларди. Бир вақт хонага келини олиб кирган, қатта ўғли Рашид қўлидан олиб ўқо-тириб юборган пичоққа қўзи тушди. Пичоқни олди-да, ўзи дунёга келтирган, гўдаклигида еру қўкка ишонмай кўтариб ўстирган дилбан-дининг қорнига тикди...

Одам бошига мушкул иш тушганида, энг оғир дамада онасини ёрдамга чақиради. «Она-жон», дея ундан мадад кутади. Ғофур эса ўзи туфайли не-не қўрғуликларни бошидан кечи-риб нозик юраги бу қулфатларни кўтарол-май ҳушидан кетиб ётган муштиллар аёлини, онасини ёрдамга чақира олмасди. Фақат оғриқ азобидан инграр, акиси Рашиддан нажот қу-тиш унга термуларди. Отаси эса... Қўзи қонга тўлиб ваҳшийлашган ота пичоқни суғириб олди-да, яна ўлигининг қорнига санчди.

Шу билан ўғлидан қутилганига қўзи етди-ми, ота хонадан чиқиб кетди. Аммо Ғофур ҳали ўзини йўқотмаганди. Қорнини чаңгал-лаб суларалиб борди-да деворга суяниб ўтир-

ди. Қўз олдида юз бераётган даҳшатли воқе-адан ўзини йўқотаётган акиси Рашиддан сигарет сўради. Бирок умрининг сўнгги дамлари-да ҳам сигарет чекиб бир сония бўлса ҳам қўнглига таскин бериш унга насиб қилмади. Отаси, укаси Фулом, келини Нилуфарлар аз-ройил сингари яна хонага бостириб кириш-ди. Ваҳшийлашган ота чалақон ётган ўғлини бор кучи билан бўға бошлади. Рашид отасини ажратиш учун унга ёпишди. Аммо отасини тортиб олса Фулом, Фуломни ажратса отаси чорасиз Ғофурга ташланар эди. Шу вақт Ғо-фур қаттиқ чинқириб юборди. Келини Нилу-фар унинг бошига болта билан туширганди. Тирқираб оққан қонни қўриб жигарқушлар ҳовуридан тушиб хонадан чиқилди. Укасига ёрдам беришда ожиз қолган Рашид отаси-нинг кетидан қичди. Ҳалиям кеч эмаслигини, врач қаҳришини сўраб отасига ёлворди. Лекин отаси унга совуқ назар ташлаб «ўлиб кетгани яхши», деди. Шу вақт ичкаридан Ғо-фурнинг қараёди эшитилди.

— Ҳалиям ўлмадими? Ўлдиришлар! — дея ҳаққирди.

Келини Нилуфар болтани қўлига олди... Урганч тумани, «Оқ олтин» жамоа ҳўжали-гида яшовчи Ғ.Рўзметов шу тариқа ўз жигар-ларни қўлида ваҳшийларча ўлдирилди. Ўтти-зинчи баҳорни энди қаршилаётган навқирон йигитнинг киндик қони тўкилиб, ўлғайиб воя-га етган ўз уйида сўнгги қони ҳам тўкилиб бу дунёни лаънатлаганича ит азобидида ҳаётдан қўз юмди...

Қотиллар қилган жиноятларини исзис йўқо-тиш ўз жигарларига қўшиб қўммокчи эдилар. Аммо уштакта нозирининг синчқовлиги, туман прокуратураси ходимларининг сый-ҳаракат-лари туфайли бу жиноят исзис кетмади.

Кимдир бу гапларга ишонмаслиги, туғиш-ганлар бундай ваҳшийликка боришмайди, дейишлари мумкин, аммо биз воқеани қан-дай содир бўлса шундайлигича баён қилдик. Ортиқча хиссийта берилмадик, қўшиб чат-мадик. Энг ачинарлиси шундаки, бу фожиа бизнинг орамизда содир бўлди. Бунга сабаб нима: тўқилиш, мастликми, мол-мўлка ҳирс қўйишни ёки таълим-тарбиями?!

...Суд қотиллар устидан ўз ҳукмини ўқиди. Ушбу саволларга жавоб топиш эса сизнинг ҳукмингизга ҳавола.

Сотимбой САБДУЛЛАЕВ,
Урганч туман прокуратураси терговчиси,
Мирзабек ЖАЛАҚОВ,
журналист

Internet ХАБАРЛАРИ

«ЖАННАТ БОҒИН» ИЗЛАГАНЛАР

Франция адлия вазирлиги қамқоҳоналардаги маҳбусларнинг ўз жонларига ўзлари қасд қилиш ҳолатлари бўйича 1998 йилдан буюн тадқиқот ўтказиб келмоқда. Ҳозиргача текширув натижалари бўйича махфий сақланиб келаётган маълумотларни ниҳоят ҳукумат кенг жамоатчиликка маълум қилишга мажбур бўлди.

Маълумотларга кўра, Франция Европа мамлакатлари орасида қамқоҳоналарда содир этиладиган суиқасдлар миқдори бўйича учинчи ўринда туради. 2000 йил бошланишдан буюн ҳаётга нўқта қўйиш билан боғлиқ бундай жиноятлар 12 мартаба ошган. Утган ҳафтада эса гумондор сифатида ушлаб турилган, бир-бирини умуман танимайдиган уч нафар шахс ҳам ихтиёрий ўлимни танлашган.

Бундан бир неча мuddат илгари эса Франция адлия вазири Элизабет Гигу бундай маълум воқеаларга ҳалокат дея изоҳ берган. Ушбу масала парламент комиссиясида кўрилатган чоғда Гигу хоним судлик билан текширувлар ўтказиш лозимлигини талаб қилган.

— Ўз жонига ўзи қасд қилиш ҳолатларининг барчаси ҳозирча бизга номаълум бўлган қандайдир хавфли касаллик туфайли содир этилаётган, — дейди Элизабет Гигу, — агарда биз яқин вақт ичида хасталик манбаи бўлган инфекцияни топа олмасак, у эпидемия шаклига ўтиб, суиқасд хуружи янада фожияли тус олиши мумкин.

Гигу хонимнинг маъруз талабидан сўнг, текширув ишлари бошланади. Дастлаб терговчилар ўз жонига қасд қилаётганларнинг ёшига аниқлик киритишди ва қотилилган 24 дан 35 ёшгача бўлган маҳбуслар орасида содир этилганлигини қайд этишди.

Олиб борилаётган текширувлар давомида яна бир нарсга ошқор қилинди. Маълум бўлишича, бундан икки йилча илгари мамлакат ҳудудида «Жаннат боғларидаги боғи ҳаёт» деб номланган яширин секта фаолият кўрсата бошлаган. Уларнинг қурбонлари эса елкасида виждон юкини кўтарган, аламзада кишилар бўлган. Шу йўл билан жиноятчилар ва гумондорлар секта «қабр»лари ўз жонларини топишарвазганлар.

Ҳозиргача сектанинг жойлашган ўрнини аниқлашнинг имкони бўлмаган ва унинг бирон-бир аъзо-си ҳам ушланмаган. Қамқоҳоналарда сақланаётган, исталган вақтда ўз ҳаётига зомин бўлиши мумкин бўлган маҳбуслар эса секта ва унинг фаолияти ҳусусида бирон-бир маълумот бермаган.

Хитой жанубидаги Гуандун вилоятида сохта юанлар ишлаб чиқариш ва уларни ўтказиш билан шуғулланган 4 нафар жиноятчи қатл этилди. Терговда аниқлаш-шича, жиноятчилар жуда кўп миқдордаги пулларни алмаштиришга уринганлар. Улардан 65 миллион юан миқдоридagi сохта пуллар мусодара қилинган.

Нью-Жерси штатидаги Берлингтон шаҳри осмонда авиаҳалокат содир бўлди. Иккита кичик самолёт тўқнашув натижасида ўн бир киши ҳалок бўлди. Самолёт парчалари ҳусусий уйлاردан бирига қулаб тушди ва қўли ёнгин содир бўлди.

Маҳаллий маъмурларнинг ахборотида кўра аҳоли ўртасида қурбонлар йўқ.

Улар бахтиёр эдилар. Тоҳирнинг ўша эътибор-лиши, меҳнатсеварли-ги, ҳар ишга қўли қовушиши Нодирада завақ уйғотарди. Нодира-нинг иродаси мустаҳкам-лиги, меҳрибонлиги Тоҳирга қанот бағиш-ларди.

Одамлар орзу қиладиган, тодаси кулган бундай тинч оила бошига кетма-кет қуфат тушди.

Нодирахон! Тоҳиржон! Ярағизни тирганим учун мени бора қар сирайман. Азиз Сизнинг бир бирингизга садоқатингиз, иродангиз ва инсонийлигингизга қўйил қолганимдан ҳақда инсоний қиёфасини йўқотган ёш кичсаларга эл-ўрдининг лабзати ёғилган дея, уларнинг жирканч башарасини покиза инсонларнинг нафратини қўйдирсин, дея ушбуни қаламга олдим.

Муаллиф.

ЎЗГАЛАР БАХТИНИ ДЕБ

Остонада ноябрь эди. Қўзнинг намхуш салқин ҳавоси. Нодира эрталаб йўлга тушди. Муборак туман ва шаҳар молия бўлимларидан унга икки йигит ҳамроҳ бўлишди. Қаршига етиб келишди. Вилоят молия бошқармасида одам гавжум. Иш осонликча битмайдиган. 1991 йилда катта ўзгаришлар бўлиши қутилмоқда. Даромадлар лойиҳасини топшириш, айнқиса, газни қайта ишлаш бошқармаси даромадидан бюджетга тушумини ҳисоблаш анча вақтин талаб қилади. Иш билан бўлиб, кеч тушганини ҳам билмабди. Бошқармадагилар кабинетларини шикшиқ қўллашиб, бирин-кетин уйлари-га кета бошлашди.

Хамроҳлар Муборакка қайтиш учун Қарши-Бухоро йўлига чиқишди.

— «КамАЗ» гуруллаб келиб тўхтади. Кабинасидан сариқинадан келган бир ўрис қиз тушди.

— Автобуса не?

— Нет.

Улар тўртовлон бўлишди. Нодира соатига қаради. Уф, олти бўлапти. Сарик-қизил тус йўли «Пазик» келиб тўхтади. Хайдовчиси сўради:

— Қаёққа?

— Муборак.

— Косон ГАИгача олиб бораман.

— Ҳа, кетдик.

Улар «ГАИ»да тушиб, пиёда «Порезьед»дан ўтишди. Қуттишди. Қон-талаш уфқ кулранг тусга кириб, баланд булутдаги чўғ ҳам сўнди. Атрофни аста зулмат қоплаб кела бошлади.

Қора «Волга» келиб тўхтади.

— Иккитангизни олиб кетамиз.

Хайдовчи йигит ихтиёриларингиз, дегандек, бошини ёнбошга хиёл эгиб, елка қисди. Машина жойидан кўзгалди. Бир зумда йироклашди. Ортидан термилиб қолишди.

Кўп ўтмай ойналари қорайтирилган қизил, янги «Жигули» келиб тўхтади.

— Икковларинг чикингла, — деди қизларга, хайдовчи ёнида ўтирган қўзлари қон тўла косадек барзанги йигит.

— Йўқ, — дейишди улар.

— Девушка, вы садитесь.


— Нет, мы вместе.

— Садис!

— Бу бизга ишониб қўшилди, — деди йигитлардан бири.

— Эй, сан жим ўтир! Ўрис қизни олиб кетамиз.

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА



ЯПРОҚЛАРДА РУҲЛАР ШИВИРЛАР

— Йўқ, — деди Нодира.

Барзанги йигит тишини гиж қилди. Машина шитоб билан жўнаб кетди. Бироз вақт ўтгач, «ГАЗ-69» «ййк» этиб тўхтади.

— Ие, янга, нима қилиб юрибсиз, — деди хайдовчи.

— Гулмурод, сенмисан? Хайрият-э! Қаршига борувдим отчёт билан.

— Чикингла!

Нодира олдинга чиқди. Аввал ўрис қиз, сўнг икки йигит орқага жойлашди.

Муборакка ақинлашганларида, бир «Жигули» қувиб ўтиб, уларнинг олдини тўсди. Булар ўшалар эди.

Хайдовчи тушди. Улар ниманидир гаплашди. Узок тортишди.

Унга ниманидир уқтиришар, Гулмурод бош чайқарди. Ниҳоят, «Йўқ, бўлмайдми», деб машинага чиқди.

Хайдади.

— Нима гап, Гулмурод?

— Шу қизни сўрашапти, янга. Машинага газ берди.

Гап у ҳақда эканлигини англаган қизнинг қўзлари жовдирайди.

— Чего? — дейди секингина.

— Они тебди хотят, — деди хайдовчи.

— Не хочю. Нодиранинг раҳми келди.

— Шунча эркак бўлиб, шу қизчани берасизларми?

— Йўқ, янга; жимгина бериш керак, бўлмаса...

— Йўқ, бермаймиз. Ҳаммаларинг ҳам қиз ўстиргансизлар, гуноҳга қоласизлар.

Қиз Нодиранинг қўлларига ёпишди.

— Прощу вас, помогите!

— Нет, не дадим тебя, — тинчлан-тирди қизни Нодира ва йигитларга ўтирилди.

— Сизлар бераман, десанглар ҳам мен бермайман.

Газни қайта ишлаш заводига ақинлашганда, улар яна етиб келишди. Машинанинг олдиндан чиқиб, «Тўхтанг!» ишорасини қилишди.

«Жигули»дан тушган йигитлар тўхтаган газикка бало-қазодай ёпирилишди. Икки мўмин йигитни судраб тушира бошлашди.

Бир кабингага бош суқиб, хайдовчига мушт туширди. У рулга эгилиб, букчайиб қолди. Шу пайт Нодира унинг юзига тарсаки тортиб юборди. Гулмурод машинада қолди. Тепки, мушт еган ҳамроҳлар қочиб қолишди.

Йигитлардан бири сариқ қизни оппоқ билагидан маҳкам ушлаб, пастга тортиди. Унинг чинқириги тун қаърига сингди.

— Помогите!!!

Нодира йигитларнинг қўлига тармашди.

Бирови буйруқ берди:

— Тик, иккаласини ҳам машинага!

Қизларни туртиб-тариб машинага киритишди. Ўзлари ҳам жойлашди.

— Машинани орқага бур! — деди ҳалиги буйруқ берган йигит.

— Шу мани урди-я, — деди бошқаси Нодирани кўрсатиб, — Кўзинг-ни ўяман.

— Отпустите меня, деньги дам, мой папа богатый.

— Ҳа, ҳа, — ўзини орқага ташлаб қулди олдинги ўриндикда ўтирган.

— Қанча берасан? Сколько дашь?

Нодира ялинишга тушди:

— Мани соғлигим йўқ, иккита болам қолган. Мани ҳароб қилман-лар. Мандан гуноҳ ўтган бўлса, кечиринглар.

— Ялинишга тушаркансан-ку.

— Ман ҳокимиятга ишлайман.

— У-хў, қўрқитиб юбордиз-ку.

— Қанча пул десанглар бераман.

— Опа, сизга ишимиз йўқ, — деди бирови, — қўл тегизмаймиз, бизга мана бу қиз керак, — деди ва қизга хунук жилмайди.

— Ну, как?

Нодира машина ойнасидан атрофга аланглади. «Қаерга кетаямиз? Уйимни топиб боришим ке-

рак, ахир болаларим... Нимага ўқидим? Нима учун ишладим? Қуним ўтмай қолганмиди?! Аёло ўқидим. Кечалари мижжа қокмай... Тинчгина уйда ўлтирсам, бўлмасмиди. Билимли бўлман, катта жойларда ишлайман деб, мана, кимсасиз даштда ифлослар қўлида ўлиб кетаман».

Машина тўхтади. Уларни туширишди. Тўсатдан Нодиранинг бошига мушт тушди. Гандирақлаб кетди, йикилди. У тиз чўкканча қўлидаги узуги, чўнтагидаги пулларни олиб, йигитларга тутди.

Ўрнидан турди. Кўкрагига тушган муштан яна йикилди. Боши гангиб қолди.

— Ўлдирманглар, иккита болам бор. Ман сизлар ўйлаган каби эмасман. Кечиринглар мани.

— Кечиринг эмиш... Ҳозир сани...

— У қизнинг ҳоли не кечдийкан, — уйлади у ўзи қийналаётган дақиқаларда ҳам.

— Мен-ку аёлман, у ҳали ёш, қиз бола бўлса. Бечорагинан...

Иккаласини ҳам машинанинг олдинги ўриндигига ўтказишди. Нодиранинг кийимлари йиртилган, қовоқлари шишиб кетган, таҳжир ва ҳақоратдан вужуди дир-дир титраб эди.

Қизнинг эса сочлари бироз тўзғиган, йиллагани сезилиб турса-да, қўриниши-

да бирор жиддий ўзгариш зоҳир эмас, ёш вужуд ҳаловатини йўқотмагандай тароватда эди.

Пастакнинг ёнидаги сумкада қозоғга ўроглик, ўтга ўхшаш нарса кўриниб турарди. Қизга таклиф қилишди:

— Попробуй.

— Не надо.

Газни қайта ишлаш заводига бурилиш жойига келганда машинани тўхтатишди.

— Опа, тўрри кетасиз... Милицияга хабар қилсангиз, бир кунчи бориб, ўлдириб кетамиз.

Нодира заводгача зўрға юриб борди. Тонг ёриша бошлаган эди. Қиз онасига қўнғироқ қилди. Чошгоҳда «Москвич» машинаси етиб келди. Машинадан барваста рус аёли тушди:

— О, бже мой. Что случилось?

Аёл қизини бағрига олди. Соҳларини тузатди. Улар Муборак шахрига, уйларига кетишди. Йўлда қиз онасига воқеани гапириб берди.

— Её только били.

— Вот бедная.

— Она хотела меня спасти.

— Спасибо.

Нодира уйига келса, ҳеч ким йўқ экан. Кейин билса, Тоҳир воқеани жиянидан эшитиб, биргалашиб, Нодирани кидиргани кетибди.

Нодира бор гапни эридан аширмади.

— Майли, ўзинг омон қолибсан. Тоҳирга маслаҳат берганлар қўл бўлди. «Шу... билан яшайсанми?» дейишди ҳам. Қайси бир холаси «Ажраласан, вассалом» деб оёғини тираб олди. Тоҳир виждонига пок йигит эди. У узок ўйлади. Ўз ихтиёри билан бўлмаган-ку. Ҳеч бўлмаганди иккита фарзандим ҳаққи бирга яшайман, тамом.

Орадан беш-олти йил ўтди. Болалари мактабга борадиган бўлди. Қутилмаганда...

(Давоми бор).

Довуд МАҲДИЙ

Қутловлар

Ҳурматли Фарида Абдуллаева!
Ҳаётигиздаги қўшалоқ байрам туғилган кунингиз ва популқоқ қиз набири муборак бўлсин. Илоё чакалокнинг умри узун, ризки бутун, сизга ўхшаган эл-юрт назаридаги суюкли инсон бўлсин. Педагогикдек сермашақат ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Тошкент шаҳар,
С.Раҳимов тумани 299-болалар
боғчасининг жамоаси

Азиз ойишжонимиз Чаманой!
Сизни таваллуд айёмингиз билан муборакбод этамиз. Бизнинг бахтимизга доимо соғ бўлинг. Юзингиздан кулгу-табассум аримасин. Сизга бахт-саодат тилаб:

Фарзандларингиз
Шоҳруҳмирзо ва Мохинурхон

ФУТБОЛ

«САМАРҚАНД»НИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лигасида 23-тур ўйинлари ўтказилди. Иккинчи ўринда бораётган «Самарқанд»нинг «Пахтакор»га ўз майдонида 0:1 ҳисобида кўйинчи муҳлислар учун қўтилмаган воқеа бўлди. Биринчи ҳамда учинчи ўринларда бораётган «Дўстлик» ва «Насаф» нэвбатдаги галабага эришиб, мавкеларини янада мустаҳкамлаб олдилар. Турда куйидаги натижалар қайд этилди:

«Темирийўлчи» - «Кимёгар» - 4:2, «Навбахор» - «Дўстлик» - 0:1, «Зарафшон» - «Семурғ» - 1:1, «Самарқанд» - «Пахтакор» - 0:1, «Бухоро» - «Сўғдиёна» - 3:2, «Андижон» - «Трактор» - 2:0, «Нефтчи» - «Металлург» - 4:0, «Сурхон» - «Турон» - 4:1, «Насаф» - «Хоразм» - 4:2, «Қизилқум» - «Гулистон» - 1:0.

Тўпурақлар баҳсида «Дўстлик» ўйинчиси Ж.Ирисметов 25 та гол билан биринчи ўринда бормоқда. Иккинчи-учинчи ўринларни М.Муҳаммадиев («Самарқанд») ва Б.Ҳамидуллаев («Андижон»)лар 19-18 тўп билан эгаллаб туришибди.

ҲАЛАТИ ДУНЁ...

БАҚИРОҚЛАР
КОНКУРСИ

Мана, икки йилдики, ўтказилаётган бақироқлар конкурсиди Сопот шахрлик (Польша) Дагмара Станек голиб чиқмоқда. У танловда 126,1 децибел куч билан бақирган. Эраклар орасида эса 125,3 децибел кўрсаткич билан Павел Дабровский биринчи ўринни эгаллаган. Конкурсида АҚШ, Польша, Чехия ва Австриядан 300 га яқин бақироқ иштирок этган.

Собир Раҳимов метро бекатидаги бақироқларимиз ҳам ушбу конкурсда қатнашсалар совриндор бўлишлари мумкинми?..

ПЕЛЕ НЕФТЬ
БИЗНЕСИДА

Ўтган пайшанбада Нью-Йорк фонд биржасида бўлиб ўтган савдо гаройиб воқеа билан аяқланди. «Петробраз» нефть компанияси (Бразилия) акциялари биржада тарқатилганлиги шарофига афсонавий Пеле савдолар тугаганлиги тўғрисида бонг урди. «Биржа албатта футбол эмас. Лекин ўхшаш жиҳатлари ҳам бор,- деди Пеле CNN муҳбирига интервью бераётиб,- мен бразилияликман, шунинг учун мамлакатимни ҳамма жойда реклама қилишга интиламан. Мени билганлар Бразилияни ҳам билишини истайман».

«Петробраз» президентидан юқоридаги хатти-ҳаракати учун Пеле муқофотлангани деб сўраганларда, у «ха» деб жавоб берди.

9-Sahifa

Бойлик мол-
нинг кўпчилигида
эмас,
кўнглининг
тўқчилигидадир.

БИР ЧИМДИМ КУАГУ

Хотини отпусадан қайтибди. Эри сўрабди:

— Бу гал қанча ишлаб келдинг.
— Минг сўм.
— Буни қара-я, — дебди эри, — мен сенга ўн беш тийиндан ортик бермас эдим...

— Мен ҳам ортик олганим йўқ...

Танца тушаётгандаги суҳбат:
— Яхши қиз, мен ҳамма фикрларингизни ўқиб турибман, чунки сиз баайни очик китоб...
— Ўқисангиз ўқийверинг-у, лекин муковани силлашни бас қилсангиз бўларди.

Доктор: Операциядан яхши чиқиб имконияти ўнтадан битта, холос. Операция бошланишидан олдин, сизга бирор ердимам тегмасмикан?

Бемор: Нега тегмасин? Менга пальтом билан шляпани кийишга ердимлашиб юборинг.

— Имтиҳонда тарихдан бошқа ҳамма фанлардан йиқилдим.
— Тарихни яхши биларкансан-да?
— Йўқ. Тарихдан имтиҳон бўлган йўқ.

Эш агроном деҳқонга танбех берапти:

— Сизнинг усулларингиз жуда эскириб қолган. Бу усулингиз билан шу дарахтдан лоақал ўн кило олма ололсангиз хайрон қолардим.
— Мен ҳам хайрон қолардим, чунки бу нок дарахти.

— Бир ҳафта олдин сиздан кресло сотиб олган эдим.
Бугун у булак-булак бўлиб кетди.
— Нима бало, унга бирор ўтирдими?

Ж.КОМИЛЖОНОВ тайёрлаган

БИЗНЕС ДАҲОЛАРИ

Компьютер дунёси бошқа соҳаларга нисбатан анча ёш ҳисоблансада, у аллақачонлар ўзининг машҳур қаҳрамонлари ва устамон жинойтчиларини кашф этишга улгурган. Масалан, компьютер бизнеси бўйича жаҳонга машҳур Билл Гейтснинг бугун қим танимайди дейсиз. Америкада нашр этиладиган People журнали эса Гейтс сайёрамизнинг энг бадавлат одами сифатида тан олинганлиги ҳусусидаги мақолани чоп этган. Унинг бойлиги айни вақтда 60 миллиард долларга тенг экан.



да компания хар йили 8,6 миллиард фойда келтираётди. Сайёрамизнинг 48 давлатида Гейтс учун ишлаётган, ўз ишининг устаси бўлган 20 мингдан ортик мутахассис мавжуд.

Ана шундай қудрат эгаси бўлган Билл Гейтс яқинда компания раҳбарлиги лавозимидан ўзини соқит қилишини билдириб, яна бир шов-шув уйғотди.

Билл Гейтс рафикаси Меллинд, ўғли Рори ва қизалоғи

КОМПЬЮТЕР КИРОЛИ

Тижорат оламида бунчалик юқори чўққини забт этган Гейтс ҳақидаги маълумотлар кўпчиликини қизиқтириши табиий. Хўш, у аслида қим ўзи?

Билл Гейтс 1955 йилнинг 28 октябрида Сизтл шаҳрида, ўртача даромадли оддий ўқитувчи оила-сида дунёга келган. Бўлажак компьютер кироли ўн уч ёшида, информатикадан дарс ўтиш бошланганидан сўнг икки ой ўтар-ўтмас ақлли машиналар учун ўзининг биринчи дастурини яратди. Сўнгра у синфдоши Пол Аллен билан «Ёш дастурчилар тўғраги»ни ташкил этади ва сизтлик тижоратчилар учун ахборот дастурлари яратиб беришни йўлга қўяди. Бу иш йўлга қўйилиши билан клуб аъзоларининг моддий таъминоти яхшилана боради. Ўқувчи-тўлаётган пулларини хар кунги кўнглихушликларига сарфлаш билан биргаликда, Гарвард университетига ўқишга кириш учун етарли пул жамғаришга ҳам муваффақ бўладилар.

Билл Гейтс ва Пол Алленлар 1975 йилда, университетни муваффақиятли якунлашларидан икки йил илгари Microsoft деб номланган фирмани рўйхатдан ўтказадилар. Дастлаб Билл дастурлар яратиш борасида тинимсиз изланиш олиб боради, сўнгра эса бунинг осонроқ йўли борлигини тушуниб етади ва у янги дастурларни нафақат ўзини, балки унинг муаллифини ва у фаолият кўрсатаётган фирмаларни ҳам сотиб ола бошлайди. Ана шу йўл билан Гейтс 1993 йилга келиб жаҳон компьютер санаетида етакчи сифатида тан олинган қудратли Microsoft компаниясини шакллантиришга эришади. Айни вақт-

Женнифер билан шаҳар атрофидаги 50 миллион долларга қурилган хайбатли уйда истиқомат қилади. У жуда катта маблаг эгаси бўлса-да, овқат танлашда энг тансиқ таомлари билан машҳур ошхоналар йўригидан фойдаланмайди, ўта урфдаги кийимларни танламайди, коллекция ва қимматбаҳо тошлар йиғиш билан шугулланмайди. Кийиниши жуда оддий: эғнида мудом ковбойка ва жинси шим. У бўш вақтларида китоб ўқишни, бриж ва гольф ўйнашни ёқтиради. Унинг учун энг қизиқарли ва мазмунли машғулот эса туну кун компьютер билан мулоқотда бўлиш. Унинг ўйи ҳам компьютер техникалари билан шу қадар жиҳозланганки, бундай уйлар ҳақида фақат фантастик ҳикояларда сўз юритиш мумкин.

Оҳори кетган ҳиссида, бепарволикдан ғижим бўлиб кетган костюм-шимларда юрвчи, кўринишдан қўндай беозор бўлган Гейтс телевизор кўришни вақтни бекор ўтказиш билан тенг деб ҳисоблайди. Шу боисдан унинг уйда биронта телевизорни учратиш амри-мхол.

Гейтс ўз маблаглари ҳисобидан бир қанча хайрия жамғармалари ташкил этган. У хар йили хайрия-савоб ишлари учун катта миқдорда маблаглар ажратади. Биргина болалар фондига эса йилга 100 минг доллар ажратишни қанда қилмайди.

Октябрь ойида 45 ёшга тўладиган Гейтснинг бойлиги шу даражада кўпайиб борадиган бўлса, у яқин йиллар ичида сайёрамиздаги биринчи триллионер бўлиши шубҳасиз.

К.ИСЛОМОВ
тайёрлаган



Муаззам минорлар тарихдан сўзлар...